

УЙ ОЛИБ ҚЎЙИЛАДИМИ?

2009 йили "Ипотека банк"дан кредитга 15 йил муддатга ойлик маошимдан тўлаш шarti билан уй олдим. Лекин ҳозирги кунда ойлик маошим кескин камайиб кетганлиги сабабли уйни бошқа шахсга ўтказиш мумкинми?

5
бет

"ЖИНОЯТИМГА ИҚРОРМАН"

56 ёшга кириб, ҳаётининг деярли 15 йилини дарбадар ўтказган, на фарзандалари ва на ўзининг кексалик ҳаёти ҳақида ўйламаган Бахтиёр Кенжебаевнинг ҳаётида бугун иккинчи бор ҳукм ўқилди...

11
бет

Нашро

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2012-yil 15-mart, №11 (792)

Мустақиллигимизнинг ilk йиллариданоқ мамлакатимизда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бунда асосий эътибор, инсон унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматининг олий қадрият эканлигига қаратилмоқда.

Ярашув институтини амалга ошириш масалалари

Гули ХОЖИБОЕВА,
«Huquq»

Жорий йилнинг 12 март куни Республика Бош прокуратурасининг ташаббуси билан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Олий суд, Тошкент давлат юридик институти, Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш мустақил институти, Республика адвокатлар палатаси ва "Маҳалла" жамғармаси билан ҳамкорликда "Ҳуқуқни қўллаш амалиётида ярашув институтини амалга ошириш масалалари" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Семинарда Республика Бош прокуратураси Олий ўқув курсларининг профессор-ўқитувчилари, тингловчилар, олимлар, судьялар, адвокатлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда республикамиз суд-ҳуқуқ тизимида қўлланилаётган, инсонийлик ва бағрикенглик тамойилларига асосланган ярашув институтининг жиноят процессида мустаҳкам ўрин эгаллаётгани ва фуқароларнинг манфаатларига хизмат қилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Семинар давомида маърузачилар томонидан республикамизда ярашув институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш масалалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурдаги яраштириш комиссияларининг оила мустаҳкамлигини таъминлашдаги вазифалари, ишни судга қадр юристининг соддалаштирилган муқобил усуллари такомиллаштириш муаммолари, ярашув институтини амалга ошириш масалаларида адвокатнинг роли, шунингдек, бугунги кунда ярашув институтининг амалиётда кенг қўлланилаётганлиги, бунинг соддалаштирилган механизмлари ишлаб чиқилганлиги алоҳида қайд этилди.

Семинар якунида иштирокчилар томонидан ярашув институти янада такомиллаштириш, унинг қўлланиш доирасини кенгайтириш ҳамда амалиётда айрим муаммоларни бартараф эטיшга қаратилган тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Коррупцияга қарши курашишнинг ўзига хос аҳамияти

Маълумки, коррупция ҳар қандай жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий ривожланишига зарар етказди, давлатнинг конституций ҳама жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради, демократик институтлар ва қонун устуворлигини заифлаштириб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жиддий тарзда бузилишига олиб келади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов "Ўзбекистон XXI аср босқасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида: "Коррупция, энг аввало, уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланишидир", дея таърифлаган эди.

Ушбу иллатга қарши курашишни жаҳон талаблари асосида ташкил этиш мақсадида 2008 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йил 13 октябрдаги "Коррупцияга қарши" Конвенциясини ратификация қилиб, "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Коррупцияга қарши" Конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Хорижий мамлакатларнинг коррупцияга қарши курашиш амалиётига назар солинса, бу борада шарқ ва ғарб давлатларида курашиш услуби бир-биридан тубдан фарқ қилиши, бу ҳолат ушбу минтақалардаги сиёсий

тузум, давлатнинг шаклланиши, жамоатчиликнинг коррупцияга бўлган муносабати ва менталитетига боғлиқ эканлигини кўриш мумкин. Мутахассислар томонидан олиб борилган қузатувлар ғарб давлатлари, жумладан, Финляндия мамлакатини коррупцияга қарши курашиш бўйича дунёда етакчи ўринда эканлигини кўрсатади. Бу каби юқори кўрсаткич, шарқ давлатларидан Сингапурда ҳам мавжуд.

Ҳар қандай жиноятчилик маълум бир сабаб ва шарт-шароитлар таъсирида вужудга келади. Коррупция ва уни вужудга келтирувчи шароитлар ўртасида икки томонлама алоқа мавжуд. Бир томондан, ушбу муаммолар коррупцияни кучайтиради. Уларни ҳал қилиш эса ўз навбатида, коррупция даражасини пасайтиришга кўмаклашади. Бошқа томондан, жамиятда коррупциянинг кенг тарқалиши ўтиш даври муаммоларини кескинлаштиради, уларни ечишга ҳалакат беради. Бундан хулоса шуки, коррупциянинг олдини олиш ва йўқ қилиш учун аввало, унинг илдиэларини аниқлаш лозим.

Шахс манфаатларини ҳимоя қилиш кафолати

Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни — Конституцияда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсади белгиланган, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига, шунингдек, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик эълон қилинган, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларининг устуниги тан олинган.

Мамлакатимиз Президентини Ислом Каримовнинг бевоесита раҳбарлигида ва ташаббуси асосида мана бир неча йиллар давомида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислох қилиш ва либераллаштиришга, амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган чоралар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мамлакатимиздаги ислохотларнинг пировард мақсади инсонлар учун эркин, фаровон ҳаёт шароити яратишга қаратилган. Бу сазй-ҳаракатларни озиклан-тирувчи омил — мамлакатимизда Конституция ва қонуннинг устуворлигидир.

Президент Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик исло-

хотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" ҳақидаги маърузасида "Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу — қонун устуворлиги ва қонунийлики мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир", деб таъкидланди.

Буюк бобомиз Амир Темур тузуқларида кучли давлатни кучли қонунларсиз тасаввур қилиш мумкин эмаслиги ҳақида қайд этилган. Шундан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган Республикаимизнинг Жиноят-процессуал кодекси шундай қонунлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси

ҳудудда жиноят ишларини юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланади. ЖПКда белгиланган тартиб барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек, фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийдир. Жиноят ишлари юритишда қонунда белгиланган тартиб қонунийлики мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фўри этишдан ҳамда қонуннинг тўғри таъбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.

Жиноят-процессуал қонунда белгиланган тартиб қонунийлики мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга, одил судловни таъминлашга ёрдам қилишга лозим.

(Давоми 6-бетда/

Талқин

томонидан содир этилган ишончли сунистьемол қилиш" ҳолатлари мансабдорлик жиноятлари ҳисобланади. 1985 йилда Канадада давлат хизматчиларининг хизмат вазифалари ва шахсий манфаатлари ўртасида тўқнашув юз берган ҳолда, улар амал қилиш шарт бўлган хулқ-атвор қоидаларини ўзида жамлаган кодекс қабул қилинган. Қонун чиқарувчининг фикрига кўра, манзур қоидаларнинг мақсади — "давлат аппарати ва давлат хизматчиларининг ҳалоллигига жамиятнинг ишончини ошириш"дан иборат.

Францияда давлат хизмати тизимидаги коррупциянинг олдини олиш ва барҳам бериш мақсадида сайлаб қўйиладиган барча давлат хизматчиларига ва коррупция таъсирига берилиши мумкин бўлган жамоат хизмати кадрларига ўз мол-мулки ва даромадлари ҳақида мустақил идораларга маълумот бериш мажбуриятини юклар тўғрисида қарор қабул қилинган. Бундан ташқари, давлат аппарати юқори мартабали ходимларнинг даромадлари ва мол-мулки ҳақидаги декларациялар кенг миқёсда ошкор этилишини таъминлайдиган ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилган.

(Давоми 8-бетда/

Қорақалпоғистон Республикаси майдон жиҳатида Ўзбекистоннинг энг катта ва ўзига хос тарихга эга бўлган ҳудуди ҳисобланади. Ушбу диёр Ибраһим Юсупов, Тўлепберген Қайипберген сингари атоқли шоир ва адибларнинг ватани. Республика аҳли бошқа юртдошларимиз қатори мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида феодалларга меҳнат қилишмоқда. Буни айниса, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида яққол кўриш мумкин. Хусусан, 2011 йил республикада 165,1 тонна пилла, 80102 тонна галла, 195.380 тонна пахта етиштирилиб, бу борада белгиланган режа ортиги билан бажарилган.

Жазо муқаррарлиги таъминланмоқда

Қадирбой БЕКМУРАТОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи

Ушбу марраларга эришишда прокуратура органларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунларнинг ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан 2011 йилнинг 12 ойи давомида жами 55 та мониторинг тадбирлари ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бар-тараф қилиш юзасидан 10636 та прокурор таъсир чоралари қўлланилди. 4688 нафар шахс огоҳлантирилди. 697 нафари интизомий, 1332 нафари маъмурий, 80 нафари эса моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 56 та жиноят ишлари кўзгатилиб, 310 млн. 746 минг сўмлик зарар ихтиёрий равишда ундирилди. 344 млн. 13 минг сўмни ундириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича судларга 211 та, 9 млрд. 882 млн. сўмни ундириш учун ҳўжалик судларига 3347 та даъво аризалари киритилди.

Маълумки, республика асосан қишлоқ ҳўжалиғи ихтисослашган. Шу боис ҳар қарч ердан унумли фойдаланиш талаб этилади. Ҳар соҳада бўлгани каби ердан фойдаланишнинг ҳам ўз қонун-қоидаси бор. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан Қонлиқўл туманида ерлардан фойдаланиш аҳоли ўрганилганда, туман ҳокимлиги мансабдор шахслари томонидан 2008 ва 2011 йиллар давомида ер ажратиш ҳужжатларини расмийлаштириш учун тўланиши лозим бўлган 16 млн. сўмлик тўловлар тўланмаган бўлса-да, 23 та ҳолатда 4,85 гектар ер ажратиб берилганлиги, 154,5 гектар ҳайдалади-ган ерлар фойдаланувчиларга бириктириб берилмаганлиги натижасида бузилганлиги, 4,2 гектар ерни эса фуқаролар уй-жой қуриш учун ўзбошимчилик билан эгаллаб олганлиги аниқланиб, ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят иши кўзгатилиди.

Шундай камчиликларга Чимбой, Беруний туманларида ҳам йўл қўйилган. Шунингдек, фермерлар орасида ўзига ишониб топширилган ердан бошқа мақсадда фойдаланаётганлар ҳам учраётганлиги ўта ачинарли. Масалан, Тўртқўл туманидаги "Одилбек Отабек Нодирбек" фермер ҳўжалиги раиси С.Хўжаниязов ўз ҳўжалиги ҳудудидан 15 гектар ерни 7 млн. 500 минг сўмга ижарага беришга келишиб, 3 млн. 400 минг сўмни олдиндан олиб, ерларни ноқонуний равишда қовун экиш учун бериб юборганлиги аниқланиб, мазукур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиди ва жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Шунга ўхшаш қонунбузарлик Шуманай туманидаги "Шокир" ММТПда ҳам аниқланди. Маълум бўлишича, қорхона мансабдор шахслари эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун банк томонидан ажратилган 30 млн. сўмлик кредит маблағларини мақсадсиз сарфлаганлар. Ушбу ҳолат юзасидан ҳам жиноят иши кўзгатилиб, иш судга юборилган.

Прокуратура органлари томонидан чорвачилик тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ҳам бир қанча назорат тадбирлари амалга оширилди. Натижада йил давомида 1 млрд. 150 млн. 300 минг сўмлик 24257 бош чорва моллари талон-тороқ қилинганлиги аниқланиб, кўзгатирилган 12 та жиноят ишлари тергов давомида 1 млрд. 119 млн. 300 минг сўмлик зарарнинг ундирилиши таъминланди.

Хусусан, Тахтақўлир туманидаги "Муль" ширкат ҳўжалигида шундай жиноят содир этилганлиги аниқланиб, тергов ҳаракатлари давомида жавобгар шахслар етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлаганлар.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлардан қўзланган асосий мақсад ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамият қуришдир. Бундай давлатда фуқароларнинг мурожаатларига катта эътибор билан қаралади. Аммо жойларда бу масалага эътиборсизлик билан ёндашилаётган ҳолатлар ҳам учрамоқда. Масалан, Тўртқўл тумани ветеринария бўлимида фуқаро М.Юсуповнинг мурожаати 5 ой мобайнида асосиз равишда хал қилинмасдан, ўз холига ташлаб қўйилганлиги аниқланиб, маъмурий иш кўзгатилиди ва фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Биз бундан кейин ҳам фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш ишларини изчиллик билан давом эттираемиз. Бунинг учун барча асосларимиз бор.

Ишга юборилди

Ёшларни ҳам маънан, ҳам jisмонан баркамол этиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлиб келмоқда. Фарғона шаҳридаги замонавий ўқув қуруллари, компьютерлар билан беками-кўст жиҳозланган мактаб ва коллежларда, лицейларда юқори малакали педагоглар ёшларга мукамал билим беришмоқда, турли касб-ҳўнар асосларини ўргатиб, мустақил ҳаётга тайёрлашмоқда.

Таълим-тарбияга эътибор — келажакка эътиборлигини чуқур англаган ўқитувчиларнинг аксарияти ўз вазифаларини виждонан адо этишмоқда. Шаҳар прокуратураси таълим борасидаги қонунларга оғишмай рияоз қилинишини таъминлаш билан бирга, битирувчи ёшларни ишга жойлаштириш-

га ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Прокуратуранинг ташаббуси билан тез-тез бўш ўринлари ярмаркалари ташкил этилмоқда. 10 март куни шаҳар ҳокимлиги ва бандликка кўмаклаши маркаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ана шундай ярмаркада 88 та қорхона ва муассасалар 2450 та бўш иш ўринла-

Б.ИСМОИЛОВ,
Фарғона шаҳар прокурори
ўринбосари

рига ишга таклиф билан чиқишди. Ярмаркага иш излаётган 980 нафар, шу жумладан, 300 нафарга яқин битирувчи ёшлар ташриф буюришди. Уларига маълум қорхоналарда ишлаш истагини билдирган 372 нафар фуқаро, шу жумладан, 64 нафар коллежлар битирувчиларига ишга жойлашиш учун йўланмалар берилди. 20 нафар ишсиз фуқаро жамоат ишларига юборилди. Шунингдек, 625 нафар фуқарога ижтимоий муҳофаза масалалари бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Прокурор ахбороти тингланди

Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашининг навбатдаги йигирма бешинчи сессияси бўлиб ўтди.

Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис Сенати аъзолари, Халқ депутатлари вилоят кенгашлари депутатлари, вилоят ҳокими ўринбосарлари ва ҳокимлик аппарати бўлинмалари раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, вилоят иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш мажмуи ташкилотлари раҳбарлари, капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал ҳўжалиги ва ободонлаштириш мажмуи қорхоналари раҳбарлари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Сессияда вилоят прокурори Б.Дехқоновнинг вилоятда қонунларга рияоз этилиши ва жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисидаги ахбороти эшитилди. Ахборот бериш жараёни маъруза юзасидан тайёрланган прокурор-тергов фаолиятини акс эттирувчи диаграммалар ва слайдлар орқали экранда шарҳлаб берилди.

Шунингдек, маъруза давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга ёрдам кўрсатиш, янги иш ўринлари яратиш орқали фуқароларнинг ишлаш эҳтиёрига қиқиб кетишини камайтириш, электр энергияси ва табиий газдан қарздорликни кескин камай-

тириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашини олдини олиш, қишлоқ жойларида қурилаётган уйлarning сифатига алоҳида эътибор қаратиш, қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ривожлантириш, вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни қаровсиз қолдирмаслик ва бўш вақтини банд этиш, таълим соҳасига ажратилаётган маблағларнинг қонуний сарфланишини таъминлаш, огоҳликни ошириш, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ёт гошлар таъсириндан асраш, уларнинг онгда бўлишга йўл қўймайлик ва бошқа долзарб масалалар кўтарилди.

Маъруза юзасидан қизгин муҳокама қилинган бўлиб, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи, вилоят ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўъба Инжиниринг компанияси вилоят филиали директори, Вобкент, Қоракўл, Олот туманлари ва Бухор шаҳар ҳокимларининг изоҳлари эшитилди.

Ундириб берилди

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ҳукуратимиз томонидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор қаратилди. Бугун ана шу эътибор маҳсули ўлароқ катта-катта завод ва фабрикалар, йирик ишлаб чиқариш қорхоналари фуқароларимизнинг хусусий мулкига айланди. Айни дамда ўз бизнеси ортдан минглаб фуқароларни иш билан таъминлаб, ватанимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшаётган кўплаб тадбиркорларни унатишимиз мумкин.

Аммо, Чирчиқ шаҳрида жойлашган "Мастер асфальт" хусусий қорхонаси раҳбари Ш.Раҳманов биз таърифни келтирган тадбиркорлар тоифасидан эмас экан. У Тошкент вилояти Паркент шаҳри "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган "Гулбоғ" ва "Обикон" қурилиш объектларида аҳолига янги намунавий лойиҳа асосида қурилаётган уйлар кўчаларида лотоклар таъмирлаш ишларини амалга ошириш

учун Наманган вилояти Наманган шаҳрида яшовчи М.Дадабоев ва бошқа шахслар билан ойига киши бошига 600 мингдан иш ҳақи беришга келишди.

Ўзаро тузилган "битим"га кўра, М.Дадабоев бошчилигидаги фуқаролар 8 июлдан 29 июль кунигача аҳолига янги намунавий лойиҳа асосида қурилаётган уйлар кўчаларини текислаб, зиммаларидаги вазифани тўлиқ адо этишди. Барча ишни қабул қилиб олган "Мастер ас-

Я.АБДУРАҲМОНОВ,
Паркент туман прокурори
ёрдамчиси

фальт" хусусий қорхонаси раҳбари Ш.Раҳманов, бажарилган ишларни сифатсиз дея баҳолаб, турли важлар билан 1 млн. 500 минг сўм пул маблағларини тўлашдан бўйин тўвлайди.

Мазкур ноқонуний ҳолатлар юзасидан М.Дадабоев ва бошқа фуқаролар Паркент туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилдилар.

Мурожаат юзасидан ўтказилган суриштирувларда "Мастер асфальт" хусусий қорхонаси раҳбари Ш.Раҳманов келтирган важлар тасдиғини топмади. М.Дадабоев ва бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланиб, 1 млн. 500 минг сўм пул маблағлари тўлиғича ундириб берилди.

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Вазифалар кўлами кенг

Барча жондорлар жуфт-жуфт яратилган экан, жуфт бўлиб яшаш табиат тақозосидир. Лекин оила куриб яшаш махлуқотлар ичида онг, тафаккур эгаси бўлиши фақат инсонгинага хосдир. Агар ер юзида неча миллиард одам яшаса, уларнинг ҳар бири ўзига хос феъл-атворга эга, икки киши ҳеч қачон бир-бирини такрорламайди — юзи ўхшаса, феъл-бошқача ёки феъл-атворига яқинлик бўлса, оравлари турлича. Шундай экан, улар барпо этган оилалар ҳам бир хил бўлмайди, албатта.

Эр ва хотин — икки тирик вужуд, икки дунёнинг ўзаро иттифоқидан учинчи дунё пайдо бўладики, унинг номи оилалар. Бу ўринда иттифоқ ибораси замирида келишувчанлик, аҳиллик, меҳр-муҳаббат, бир-бирини тушуниш деган маънолар ётади. Агар оилادا аҳиллик, тинч-товулик, ўзаро меҳр ҳужум сурса, бундай оилалар мустаҳкам бўлиб, жамиятнинг ажралмас қисми бўлиб қолади. Мустаҳкам оилаларда тарбияланган болалар ҳам эл-юртнинг ҳақиқий жонқуяри, ота-боболар бошлаган эзгу ишларнинг давомчилари бўлиб вояга етадилар.

Халқимиз азал-азалдан оила тушунишга жиддий муносабатда бўлиб, энг юксак қадрият сифатида эъзозлаб келган. Ҳатто, Куръоннинг бир қанча сураларида, ўнлаб ҳадисларда оила, эр ва хотин, фарзандлар тарбияси мавзуларига эътибор қаратилган. Давлатимизнинг Бош Қонуни — Конституция-мизда ўн тўрттинчи боб "Оила" деб номланганига ва 63-66-моддаларида оила давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги, ота-оналарнинг фарзандлари олдидаги, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчлари, вазифалари ва оиллага тегишли бошқа ҳуқуқий мезорлар кўрсатиб ўтилганига бежиз эмас. Шунинг учун ҳам Президентимиз томонидан мустақил давлатимизни ривож-

демак, эзгу ишлар давом этади

лантириш, жамиятимиз тараққий эттиришда оиланинг ўрни беқиёс эканлигига алоҳида аҳамият бериб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишланган мажлисда Юртбошимиз Ислам Каримов "Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳужм суради", деб, 1998 йилни "Оила йили" деб номлашни талқин қилган эди. Бу — эндигина қаддини ростлаётган мамлакатимиз, озодлик, мустақил ҳаёт нималигини англаб етаётган халқимиз учун оғир бўлган, яъни Ўзбекистон мустақиллиги кўзига тикандай қадалган айрим кўчаларнинг зугуми кучайган бир даврда давлатимиз тинч ҳаёт йўлини танлаганлигининг яққол далили эди. Ҳар қанча оғир ва таҳликали давр бўлишига қарамасдан 1998 йилда "Оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ошиги билан бажарилди. Оилани муҳофаза этиш, ота-она ва фарзандлар ҳуқуқлари, бурчлари ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган Ўзбекистон Республикасининг "Оила кодекси" ишлаб чиқилиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Ўшандан бери ўтган давр мобайнида оила мавзусига бевосита тегишли бўлган ўнлаб қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Вақт ҳеч қачон тўхтаб турмайди. Вақт баробарида ҳаёт ҳам олға интилади, кунчи кеча янгилик ҳисобланган техника ва технологиялар бугун кечаги кун-



Ф.ЮСУПОВ,
Жиззах вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

га айланади. Оилавий муносабатлар ҳам жонли, ўзгарувчан жараёндир. Эр ва хотиннинг ҳуқуқий муносабатлари замон ривожлангани сари ўзгариб, дунёқарашлар янгилиниб бормоқда. Оила аъзоларининг умумий турмуш, ўзаро иқтисодий-мулкий, ҳуқуқий ва руҳий муносабатлари замон талаблари асосида қарор топмоқда. Бундан йигирма йил аввалги ўзбек оиласи билан бугунги ўзбек оиласи ўртасида муайян фарқлар борлигини ҳеч ким инкор этмайди, деб ўйлайман.

Ана шуларни ҳисобга олганда Президентимизнинг 2012 йили "Мустаҳкам оила йили" деб номлашни давр янгилини билан ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллаётган янгиликлар, у билан узвий боғланаётган заруратлардан кўзимиз бўлмаслигига яна бир бор эътиборимизни қаратишга даъват этади.

Давлатимиз раҳбарининг Конституциянинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: "Бу ҳақда гапирганда, аввало, мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янги қадам қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритиши, бу масалага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилганлигини таъкидлаш керак", дея "Мустаҳкам оила йили" да амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларнинг бешта муҳим йўналишини белгилаб берди.

Миллий қадриятларимиз, амалдаги қонунларимиз замирида барпо этилган оила давлати муносабатлар мустақил жараён бўлиб, оиланинг ички ишларига ҳеч ким асоссиз аралашшига ҳақли эмас. Шу сабабли оила муқаддас ва дахлсиз ҳисобланади. Лекин оила жамиятдан алоҳида яшолмайди. Зеро оила жамиятнинг таркибий қисмидир. Шунинг учун ҳам оилавий муносабатлар жамиятдаги маъжуд ижтимоий, иқтисодий, мафқуравий ва маънавий жараёнлар билан ҳамқадам бўлиши ва улар таъсирида ривожланиб бориши лозим.

Оила ҳақида гап кетар экан, муҳим ҳақиқатни, аниқ бир воқеаликни — бугунги кун оиласида эртанги кун бунёдкорлари вояга етишини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз зарур. Мустақиллигимизнинг ўтган йигирма йилга назар ташласак ёш авлоднинг баркамол инсонлар бўлиб етишишлари учун нақадар улғувор вазифалар бажарилганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Мамлакатимизда бунёд этилган минглаб ўқув ва тарбия муассасалари, спорт ва маданий иншоотлар, соғлиқни сақлаш ва профилактика масканлари фарзандларимизнинг соғлом ва комил инсонлар бўлиб етишишлари йўлида хизмат қилмоқда. "Мустаҳкам оила йили" да амалга оширилаётган вазифалар кўлами бунданда кенг ва масъулятли бўлишига ишончимиз комил. Демак, халқимиз учун фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги эзгу ишлар давом этаверади.

Темир йўллар тизимидаги ислоҳотлар

Мамлакатимизнинг турли соҳалари қатори иқтисодиётимизнинг қон томири ҳисобланган "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК тизимида ҳам муҳим ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Маълумки, қисқа вақт ичида "Тошкент-Самарқанд", "Тошкент-Бухоро", "Тошкент-Қарши" йўналишларида "Регистон", "Шарқ" ва "Насаф" номи тезорур поездлар йўналишлари йўлга қўйилди. Айниқса, "Тошкент-Самарқанд" йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Талго-250" номи поезд қатновининг йўлга қўйилиши нур устига нур бўлди. Эътиборли жиҳати, мазкур лойиҳа дунё миқёсида еттинчи ўринда туриши билан ажралиб турди.

"Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК тизимидаги бир қанча корхона ва ташкилотлар томонидан ушбу поезд қатновини белгиланган муддат ичида ишга таъиниш учун янги темир йўл йўналишини куриш, эскиларини таъмирлаш, муҳофаза деворлари, темир йўл кесим-маларини куриш, ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи объектларни бошқа жойларга кўчириш, темир йўл атрофини ободонлаштириш ва бошқа бир қанча ишлар амалга оширилди. Янги темир йўл курилиши муносабати билан аҳолининг темир йўллари кесиб ўтиши учун алоҳида ўтиш жойлари белгиланди.

Юқори тезликда ҳаракатланувчи мазкур поездининг тегилиги соатига 250 километр бўлиб, фавқулодда ҳолатда поездининг тўхташ масофаси 1500-2000 метрни ташкил этади. Бундай поездининг ҳаракатланиши пайтида кучли шамол бўлиб, поезд тагидан тошлар ва турли қаттиқ

жисмлар учиб чиқиш ҳолатлари рўй бериш эҳтимоли бор. Тўсиқларнинг йўқлиги эса, аҳоли ва темир йўл яқинига қурилган қурилишларга хавф-хатар тўғдириши мумкин. Давлатимиз томонидан ана шундай қулайликлар, муҳим ишлар амалга оширилаётган бир пайтда, кўнгилни хижил қиладиган ҳолатлар, жумладан, баъзи бир жойларда девор ва темир панжара тўсиқларни синдирилиши, болаларнинг ўтаётган поездларга тош отиши каби воқеалар учраб турибди.

Хусусан, тезорур "Насаф" поезди "Уртаул-Раҳимова" йўналиши оралиғида ўтиб кетаётганда, номаълум шахсларнинг тош отишлари натижасида электровоз кабинасининг ойнаси синган. Шу йўналишда "Регистон" поезди ўтаётганида эса, рельс устига бегона предмет қўйилган. Машинанинг ҳушёрлиги сабабли поезд ўз вақтида тўхтаб қолинган. Акс ҳолда, темир йўл ҳодиса-

ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

си содир бўлиши мумкин эди. Ачинарлиси, мазкур соҳада олиб борилаётган тушунтириш ишларига қарамасдан, айрим фуқаролар ва ёшлар томонидан ҳам қонунбузарликлар содир этилмоқда. Темир йўл атрофларида чорва молларининг боқилиши натижасида йўл атрофида экилган дарахт кўчатларининг пайҳон қилиниши, ўрнатилган тўсиқларни бузиб, ўғирлаб кетиш ҳоллари содир этиляпти. Бундан ташқари, белгиланмаган жойларда тўсиқни олиб ўтиш ҳамда чорва молларини ҳайдаб ўтилиши натижасида бахтсиз ҳодисалар учраб турибди. Жумладан, "Оқолтин-Гулистон" темир йўл бекатлари оралиғида "Тошкент-Самарқанд" йўналиши бўйича ҳаракатланиб келаётган "Афросиёб" тезорур поездининг кучли шамоли натижасида вояга етмаган Азиза Фахридинова ёпиқлиб, оғир тан жароҳати олган. Шифокорларнинг ҳаракатлари самарасиз бўлиб, у шифонада вафот этган.

Ана шундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун темир йўлга яқин ҳудудларда жойлашган ўқув муассасаларида, маҳаллаларда тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини бундан-да кучайтиришимиз, узоғимизни яқин қилаётган, ҳар

томонлама жаҳон андозаларида мос қилиб жиҳозланган поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашимиз, бу борада олиб борилаётган хайрли ишларга ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

Шунингдек, Самарқанд транспорт прокуратураси глобал муаммо — одам савдосига қарши курашиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқароларни жабрдийдага айлаб қолишининг олдини олиш мақсадида тарғибот ишларини жадаллаштириш, жабрдийдаларга тиббий, психологик, юридик, ижтимоий ва бошқа ёрдамлар кўрсатилмоқда. Одам савдосига қарши курашишда ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда соҳага алоқадор идоралар ўртасида доимий ҳамкорлик ўрнатилган. Бу турдаги жиноятнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида бошқа ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорлигида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Самарқанд транспорт прокуратураси назорат ҳудудидаги Са-

Улғубек ЭҒАМБЕРДИЕВ,
Самарқанд транспорт прокурори

марқанд вокзали, темир йўл бекатларидаги темир йўл вокзалларидан МДХ давлатларига кетаётган шахслар билан профилактик суҳбатлар олиб борилмоқда.

"Одам савдосига қарши курашиш бўйича асосий ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар" мавзуларидидаги плакат, буклет ва тўпламлар тайёрланиб, жойларга тарқатилган ҳамда аҳоли гавжум бўлган жойлар, темир йўл вокзалларида Самарқанд транспорт прокуратураси ва бошқа ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идораларнинг ишонч телефонлари қайд этилган маълумотномалар олиб қўйилган.

"Хар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-у тарози", деган пурмамо гап бежиз айтилмаган. Фаразғуи кимсаларнинг осон ва кўп пул топиш ҳақидаги чўпчакларига ишониб, ўзга юртларда хор-у зорликда, сарсон-саргардон бўлгунча, ўз юртида ризқ-насиба териб, оиласи даврасида соғ-саломат юриш улкан неъматдир. Зеро, инсоннинг ҳалол меҳнат билан юрт ривожига, халқ фаровонлигига ҳисса қўшишдан кўра шарафлироқ иш йўқ.

Таҳлилий текширишлар

соҳада мавжуд бирталай камчиликларни очиб ташлади

Деҳқон Наврўзи ажиб бир интиқлик билан кутади. "Аламига турналар келибди, бу йил худо хоҳасда ҳосил мўл бўлади. Йилнинг қандай келиши Наврўзидан маълум", деб ўзича ҳисоб-китоб қилади. Кун илши билан ишга шўнғиб кетади. Деҳқон дегани шунақа. Тиниб-тинчиш нималгини биламайди. Ҳақиқий деҳқон айна кунларда кузда эккан экинларнинг парвариши-ю, ерга уруғ экиш билан бана.

Халқимизда "Яхши келса хўт — қозон тўла сут", деган нақл бор. Дарҳақиқат, бу йил ёгин-сочининг мўллиги ўт-ўланлар, дондун, яъни ризқ-рўзимиз бисёр бўлишидан нишон.

Кишлоқ ҳужалигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар соҳа инфратузилмасини жадал ривожлантириш, ерга эгаллик ҳиссини қунайтириш, ундан унумли фойдаланибгина қолмасдан, балки самарадорлигини ҳам ошириш имконини берди. Бу эса, ўз навбатида, барчага бирдек масъулият юклайди. Жумладан, мазкур соҳага дахлдор ҳукумат қарор ва фармойишлари ижросини таъминлаш, бу борада назорат ўрнатиш ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимларининг ҳам асосий вазифаларидан бирига айланади. Вилоят прокуратураси органлари томонидан Президентимизнинг 2011 йил 27 сентябрдаги "2012 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинлари экиш, навларни жойлаштириш ва харид қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш ҳамда бошоқли дон экинларини етиштиришдаги агротехник тадбирлар ўтказилишининг аҳоли юзасидан мониторинг ва таҳлилий текширишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, вилоят прокуратураси органлари томонидан мазкур соҳадаги ҳужалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонунийликни таъминлаш мақсадида ўтказилган текширишларда 2012 йил 31 январь ҳолатига вилоятда 1 минг 105 та фермер ҳужалиги 3 минг 106 гектар майдонга бошоқли дон экинларини режага нисбатан кўп экканлиги, 199 та фермер ҳужалиги 1 минг 286 гектар майдонга кам экканлиги ва 18 таси эса 188 гектар

майдонга умуман экмаганлиги аниқланди.

Ақсарият туман ҳокимликлари, кишлоқ ва сув ҳужалиги бўлиmlари, хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи идоралар ҳамда фермер ҳужалиқлари раҳбарлари бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги юқори бўлишини таъминлаш борасидаги агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифати раҳбарликларига панжа орасидан қараганликлар, галлани минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиклантиришга етарли эътибор қаратилмаганлиги оқибатида 16 минг 135 гектар майдондаги галла майсалари ривожланишдан орқада қолган.

Вилоятда 550 та фермер ҳужалиги раҳбарлари 13 минг 829 гектар майдон экишдан олдин фосфорли ва минерал ўғитлар билан озиклантирилмаган. Бу каби агротехник талабларга риоя этмаслик ҳолатлари Га Миршорқ, Чирочқи, Яққабоб, Китоб, Қамаша, Ғузор, Қарши, Нишон ва Шаҳрисабз туманларида йўл қўйилган.

Шунингдек, вилоятда 100190 гектар галла майдонини қиш олдида азотли минерал ўғитлар билан озиклантириш тадбирлари белгиланган бўлса-да, мазкур майдонларнинг 14 минг 109 гектарида бундай юмуш амалга оширилмаган ёки режа 86 фоизга бажарилган, ҳолос.

Бошоқли дондан мўл ҳосил олишда энг муҳим агротехник тадбирлардан бири галлани сугоритишдир. Таҳлилий текширишларда галла етиштирувчи фермер ҳужалиқларидан 299 тасининг 3 минг 761 гектар майдондаги галла майсалари жорий йилнинг 31 январь ҳолатида сугорилмаганлиги аниқланди. Масалан, Қосон туманидаги "Халил Бекназар Жалил ўғли" фермер ҳужалигида 18 гектар галла майдони сугорилмаган.

Шунингдек, Қамаша туманидаги 115 та фермер ҳужалигининг 1 минг 812 гектар, Ғузор туманидаги 41 та фермер ҳужалигининг 441 гектар ва Қарши туманидаги 33 та фермер ҳужалигининг 410 гектар ердаги галла майсалари ҳанузгача бирор марта ҳам сугорилмаган.

Галла майдонларини озиклантириш учун маҳаллий ўғит жамғариш топшириги 31 январь ҳолатида 43,4 фоизга бажарилган, ҳолос.

Бундан ташқари, вилоятда бошоқли дон экинлари зараркундалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашишни ташкил этиш борасида ҳам тегишли чора-тадбирлар қўрилмаганлиги боис талаб этиладиган кимёвий воситалар заҳираси тўлиқ яратилмаган. Чўночи, бошоқли дон экинлари орасида кўқарадиган бегона ўтларга қарши ишлатиладиган кимёвий воситалар учун талаб этиладиган 3702,4 млн. сўм маблағнинг 4 млрд. 594 млн. сўми, бошоқли дон экинлари касалликларига қарши ишлатиладиган кимёвий воситалар харид қилиш учун талаб этиладиган 629,9 млн. сўм маблағнинг 287,9 млн. сўми шакллантирилган, ҳолос. Бу борада ўтказилган мониторинглар натижасига кўра, 507 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган.

Илгари "Қор остида шудгорнинг уйқусида оқ олтин" деган кўшиқ бўларди. Ҳақиқатан қишда ҳам деҳқоннинг хаёлида, ўй-фикрида эртанги кун, янги ҳосил ташвиши. Галлам, пахта ҳам дейди. Ризқ-рўз яратиш, эл-юрт дастурхонини тўқин қилиш учун ўзини ўтга, чўққа уради. Истар-дики, ҳамма фермерларимиз ҳам шундай фидойи ва тадбиркор бўлишса, ернинг умрини бекорга ўтказишмас.

Бу йил баҳор келишини ҳаммадан кўра кўпроқ чўпонлар соғиниб, интиқиб, орақиб қутишди. Кишининг қаҳратон совуқларидан қорвасини талофатсиз асраш учун ёлғи-юбурги ҳоринг, заҳмат чеккан чўпонларнинг чарқоғи айна кўклам чоғида улар кўй-кўзисини ҳайдаб яшил яяловлар бағрига чиққач, у ерда унган майсалар таратаётган уғир — баҳорнинг бетакрор ҳавосидан нафас олгачгина

Рустам ҲАЙИТОВ,
Қашқадарё вилоят
прокуратураси бўлим бошлиғи

тарқалади десак, янглишмаган бўламыз. Чўнки бу йил қишнинг қаттиқ келиши ва узоқ чўзилиши уларни анча толиқтиргани рости.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳужалиқларида қорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда қишлоқ ҳужалиги соҳасида ислохотлар ўтказилишига доир қонунлар ижроси юзасидан мониторинг ва таҳлилий текширишлар ўтказиб борилмоқда.

Аниқланишича, вилоятда юқорида қайд этилган қарор ижросини таъминлашда муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, бироқ айрим туман ҳокимлари, туманларнинг қишлоқ ва сув ҳужалиги бўлиmlари ҳамда мутасадди ҳужалиқларнинг раҳбарлари қорвачилик, балиқчилик, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш борасидаги қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг селектор йиғилишларидаги топшириқларнинг ижросини таъминлашда ўзбўйраччиликка йўл қўйишган.

Масалан, қорвачиликни ривожлантириш дастури бўйича 2012 йилда вилоятда 20 та қорвачилик йўналишидаги фермер ҳужалиги ташкил этиш режалаштирилган бўлса-да, амалда 7 та шундай фермер ҳужалиги ташкил этилган. Еки Дастур бўйича 2012 йилда қорамолчиликни ривожлантириш учун ажратилиши лозим бўлган жами 2314 млрд. сўм маблағдан 1029 млрд. сўми ёки 44 фоиз ажратилган, ҳолос.

Вилоятда 2012 йилда паррандачиликни ривожлантириш учун режалаштирилган 21 та лойиҳадан 11 таси бўйича иш бошланган, ҳали 10 та лойиҳага қўл урилмаган. Мазкур йўналишдаги фермер ҳужалиқларини ташкил этишга ажратилиши режалаштирилган 965 млн. сўм

маблағдан 571 млн. сўми ёки 69 фоиз ажратилган.

Қорвачилик соҳасидаги қонунчиликнинг бажарилиши юзасидан вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган мониторинг ва таҳлилий текшириш натижаларига кўра, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 3 та жиноят иши кўзатилди, 30 тадан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Халқимизда "Сув-зар, сувчи-заргар", "Сув нафақат ҳаёт учун керак, балки у ҳаётнинг ўзи", деган ҳикматли иборалар бор. Булар бежизга айтилмаган. Чўнки сувсиз на одамзод, на хайвонот ва на ўсимликлар дунёси мавжуд бўла олади. Шундай экан, ундан тежаб-тергаб фойдаланиш, бехуда исроф бўлишига йўл қўймаслик ҳар биримизнинг бурчимиздир.

"Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг сувга оид қарорлари таллабларининг бажарилишини назорат қилиш мақсадида жойларда сувдан фойдаланишнинг аҳоли бўйича ўтказилган доимий кузатувлар натижасида ундан ҳужасизларча фойдаланиш ҳолатлари аниқланди. Шундан 154 та ҳолатда аниқланган камчиликлар бўйича далолатномалар тузилиб, шулардан 135 та ҳолат бўйича оғохлантириш берилган бўлса, 19 та ҳолат бўйича мансабдор шахс ва фуқароларга нисбатан МЖТКнинг 74, 75 ва 76-моддаларига асосан маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан иш кўзғатилди.

Таҳлилий текшириш ва мониторинглар жараёнида ютуқлар билан бирга ана шундай жиддий хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди. Келгусида бундай қонунбузарликлар келиб чиқмаслиги учун жойларда кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борилаётти. Бу эса ҳам фермерлар, ҳам давлат манфаатлари учун асқотиши, хизмат қилиши тайин.

Наврўз айёмида халқимиз яхши ният қилишга, бир-бирларига санимий тилаклар билдиришга одатланган. Зеро, йил бошида қилинган ният ижобат бўлади дейишди. Шундай экан, бугун юртимизнинг тинч-лигини, осмонимизнинг мусоф-фолигини, кўнглимизнинг хотиржамлигини, дастурхонларимизнинг тўқин-сочинлигини, барчамизга бахт-саодат ато этишини Яратгандан сўраб, дуога қўл очамиз. Ҳазрат Мир Алишер Навоий лутф этганидек, ҳар тунимиз Қадр кечасидек кулгў, ҳар кунимиз Наврўздай файзли ва баракали бўлсин!

Прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда

Мамакаатимизда пул муомаласини такомиллаштириш, нақд пулни банкларга жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни қондириш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Таъкиллаш жоизки, Ташкент вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам бу борадаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати қўйатирилиб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Жумладан, вилоят бўйича 2011 йилда банк муассасаларига нақд пул маблағларининг ўз вақтида топширилишини таъминлаш мақсадида 52263 мартаба хронометражлар ўтказилиб, 19,1 млрд. сўм пул маблағининг банкка топширилиши таъминланган. 1217 та қисқа муддатли текширув ўтказилиб, 3,1 млрд. сўмлик молиявий жарималар қўлланилган. 301 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 82 та жиноят ишлари кўзғатилган.

Бундан ташқари, вилоят прокуратураси томонидан туман ва шаҳар ҳокимликлари пул-кредит сўбаси тасис комиссияларининг бу борадаги фаолияти ўрганилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Жумладан, Паркент туман ҳокимлиги пул-кредит сўбаси тасис комиссиясида Ва-

зирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 264-сонли ҳамда 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли қарорлари ижроси ўрганилганда, комиссия аъзолари ва соҳа бўйича масъул мутасадди идоралар раҳбарлари томонидан нақд пул тушуми режасини белгилашда нақд пул топширувчи ҳужалик юритувчи субъектларнинг имконияти ўрганилмаганлиги, комиссия қарорларининг ижроси таъминланмаганлиги, 17 нафар шахсининг туман солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтмай тадбиркорлик фаолияти билан қонунчилик равишида шугулланиб келаётган бўлса-да, ушбу ҳолатларга тегишли муносабат билдирилмаганлиги аниқланиб, ушбу қонунбузилиш ҳолатларини бартароф этиш

ҳақида туман ҳокими номига тақдимнома киритилди.

Шу каби қонунбузилиш ҳолатларига Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Бекобод, Янгийўл, Охангорик, Қибрай, Урта Чирчиқ ва Чиноз туман ҳокимликларининг пул-кредит сўбаси тасис комиссиялари томонидан ҳам йўл қўйилган.

Ўтказилган назорат тадбирлари жараёнида айрим тижорат банкларининг мансабдор шахслари бюджетдан молиялаштирилмаган қорхона ва ташкилотлар ишчиларининг иш ҳақи, пенсия ва нафақа тўловларини нақд пул билан таъминлашнинг асосиз кечиктириб, бюджет интизомини бузилишига йўл қўйганликлари аниқланиб, уларга нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Масалан, акциядорлик тижорат "Ҳамкор банк"нинг Чиноз филиали мансабдор шахслари тумандаги бюджетдан молиялаштирилмаган қорхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчиларига 2010 йил июнь ойида тўланиши лозим бўлган 30 млн. сўмлик иш ҳақи ва пенсия тўловларини кечиктириб тўлаганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилган эди. Лекин 2011 йил март ойида 5,9 млн. сўмлик тўловларини асосиз равишда кечиктириб, яна бюджет интизомини бузилишига йўл қўйишган. Ушбу

Анвар СУБАНОВ,

Ташкент вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан айбдорларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзғатилиб, суд томонидан жазонинг муқаррарлиги таъминланган.

Бундан ташқари, тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, қонунчилик равишида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган шахслар билан олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида, улардан 232 нафарининг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши ва инкассация хизмати билан шартномалар туздирлиши таъминланди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан мазкур масалада ўтказилган назорат тадбирлари натижаларига кўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартароф этиш тўғрисида 81 та тақдимнома киритилиб, 2422 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида оғохлантирилди. 123 нафари интизомий, 54 нафари маъмурий жавобгарликка тортилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 13 та жиноят иши кўзғатилди.

Бекор қилиниши мумкинми?

Биринчи инстанция суди томонидан жавобгарнинг иштирокисиз сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарори юзасидан ФПКнинг 229-моддасида белгиланган тартибда 15 кунлик муддат ичида шикоят келиб тушмагач, у қонуний ижрога қаратилади. Лекин орадан эллик кун ўтганидан кейин жавобгар мазкур қарор устидан шикоят қилганида суд ўзи томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорини бекор қилиб юбориши тўғрисида?

Ч.Абдурахмонова, М.Бегимов, А.Холбоев, Музработ тумани

Ҳақиқатан ҳам ФПКнинг 229-моддасига кўра, жавобгар ҳал қилув қарорини сиртдан чиқарган судга шу ҳал қилув қарори чиқарилган кундан кейин ўн беш кун ичида уни қайта кўриш ҳақида ариза беришга ҳақли.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан ФПКнинг 37-бобида белгиланган тартибда ҳам шикоят бериш мумкин. Лекин шу билан бирга, ФПКнинг 233-моддасида суднинг ваколатлари тилга олинган бўлиб, унга мувофиқ,

суд сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани кўриб, ўзининг ажрими билан:

аризани қаноатлантормай қолдиришга;

сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва аввалги таркибдаги ёки бошқа таркибдаги суд томонидан ишни мазмунан қўришни тиклашга ҳақли.

Бундан ташқари, ФПКнинг 234-моддасида, агар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги

аризани кўриш вақтида суд тарафинан суд мажлисига келмаганлигига ўзрли сабаблар борлигини ва бу ҳақда судни ўз вақтида хабардор қилиш имконияти бўлмаганлигини ҳамда тараф сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган далиллари тақдим қилаётганини аниқласа, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ишни мазмунан кўриш тикланиши лозим, дейилган.

Мен 2010 йили турмушга чиққан элим. Ҳозирда бир нафар фарзандим бор. Лекин айрим сабабларга кўра, турмуш ўртоғимнинг уйда эмас, балки ўз ота-онанинг уйда рўйхатага турибман. Маҳалла фуқаролар йиғинига фарзандим икки ёшга тўлганига қадар нафақа беришлари сўраб мурожаат этганимда, улар рўйхатдан ўтган жойингиздаги фуқаролар йиғинига боринг, дейишди. У ерга борсам, улар турмушга чиққан маҳаллага борасиз, дейишди. Қаерга боришим керак? Онаминг қариллик нафақа пули ва турмуш ўртоғимнинг ойлик маоши тўғрисидаги маълумотнома ҳам керак бўладими?

С.Раззоқова, Китоб тумани

Қаердан оламан?

"Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парварши қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 9-банди талабига кўра, мазкур нафақани олиш мақсадида ёзилган ариза рўйхатдан ўтказилган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига берилади.

Бундай нафақа тўловини тайинлашда, албатта, мурожаат этувчи оила даромади ҳисобга олинади.

Ишламайдиган оналарга болани парварши қилиш нафақасини тайинлаш чоғида оиланинг муҳтожлигини белгилайдиган мезон бўлиб, унинг ҳар бир аъзосига энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан кам миқдорда тўри келадиган оиланинг жами даромади ҳисобланади.

Агар ишхона ходими ноҳўй иш қилиб қўйганлиги учун унинг устидан сул ҳукми чиққан бўлса, ишхона уни шу сабабми ишдан бўшатиб юбориши тўғри бўладими?

З.Шарипов, Гулистон тумани

Ишдан бўшадингиз дейишса...

Амалдаги Меҳнат кодексига меҳнат шартномасини бекор қилиш сабаблари қайд этилган бўлиб, меҳнат шартномасининг тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилиниши ушбу сабаблардан бирини ташкил қилади. Бироқ, ҳар қандай сабаб асосли бўлиши лозим. Шу жиҳатдан олганда, ходимни жазога маҳкум этган суднинг ҳукми қонуний қучга кирган

тақдирда, башарти бундай натижада ходим аввалги ишини давом эттириш имкониятидан маҳрум этилган бўлса, шунингдек, ходим суднинг қарорига биноан ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасига йўланган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

Пеня қачон ва қандай ҳолатларда жорий этилади? Тушунингми, у суд қарори билан ўз мажбуриятларини бажармаган шахсларга жорий этилади. Шундайми?

М.Сайфиддинова, Иштихон тумани

Пеня — неустойканинг шаклларида бири. Қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодексининг 261-моддасида берилган таърифга кўра, қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фойз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади.

Неустойка тўғрисидаги қилишув асосан, шартнома шартларидан бири сифатида қиратилади. Бундай мажбурият юзга келганда, унинг тўлови ихтиёрий равишда, низо келиб чиққан тақдирда эса, суд орқали амалга оширилади.

Саволларга ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб берди.



Уй олиб қўйиладими?

2009 йили "Ипотека банк"дан кредитга 15 йил муддатга ойлик маошимдан тўлаш шarti билан уй олдим. Лекин ҳозирги кунда ойлик маошим кескин камайиб кетганини сабабли уйни бошқа шахсга ўтказиш мумкинми?

А.Ҳотамов, Зарафшон шаҳри

Бу жараённинг барчаси сиз ва банк ўртасида тузилган кредит шартномаси шартларига мувофиқ тарзда амалга оширилади. Чунки, бундай муносабатларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари ҳамда қонун асосида тузилган кредит шартномаси билан тартибга солинади. Хусусан, бунда, кредит бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фойзалар банк ва қарз олувчи имзолаган кредит шартномасига илова қилинган кредитни қайтариш жаҳдвалига мувофиқ ундирилади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги қарори билан тасдиқланган "Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисида"ги Низом ҳамда Республика Адлия вазирлигида 2008 йил 12 июлда рўйхатга олинган "Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига мувофиқ, қарз олувчи томонидан кредитни қайтариш кўйидаги шаклларда амалга оширилиши кўзда тутилган:

а) иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, гонорарлар, дивидентлар, фойзалар, қимматли қоғозлар бўйича олинмаган ва бошқа даромадлар ҳисобидан нақд пулсиз маблағ ўтказиш йўли билан;

б) банк кассасига нақд пул топшириш йўли билан;

в) қарз олувчининг бандаги омонатларидан нақд пулсиз маблағ ўтказиш йўли билан;

г) қарз олувчининг иш берувчи томонидан ипотека кредитни қайтариш учун ажратилган моддий ёрдами ҳисобидан нақд пулсиз маблағ ўтказиш йўли билан.

Демак, сиз олинган кредитни нафақат иш ҳақи, балки бошқа хил даромадларингиз ва тўловлар ёрдамида қайтаришингиз мумкин.

Юқорида номи тилга олинган Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда, асосий қарз ва у бўйича ҳисобланган фойзалар кредит шартномасида белгиланган муддатларда қайтарилмаган тақдирда, банк ходими қарз олувчи билан шахсан учрашиб, мажбуриятларнинг бажарилмаётгани сабабларини аниқлайди ва муддатида қайтарилмаган кредитнинг қайтарилишини таъминлаш чораларини кўришни талаб қилади.

Агар кредитни ўз вақтида ундириш бўйича қўрилган чоралар зарурий натижани бермаса ва кредитнинг қарз олувчи томонидан ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилмаслик хавфи вуҷудга келса, банк берилган ипотека кредитини ва у бўйича ҳисобланган фойзаларни муддатидан олдин ундириш чораларини кўради (ушбу шартлар кредит шартномасида белгиланган бўлса керак).

Қарз олувчи томонидан ипотека кредити ва ҳисобланган фойзалар бўйича тўловлар умуман тўланмаганда ёки ўз вақтида тўланмаганда ҳамда қарз олувчи томонидан тузилган кредит шартномаси ва унга илова қилинган қайтариш графиги бўйича қабул қилинган мажбуриятлар доимий бузилган ҳолда, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда, банк Ўзбекистон Республикасининг "Ипотека тўғрисида"ги Қонунида белгиланган тартибда ундирувчи гаровга қўйилган мулкка қаратади.

Ҳаққим борми?

Мен 1966 йилда туғилганман. 1996 йилдан 3-гурух ногиронлиги белгиланиб, нафақа олиб келаётган эдим. Ишлайман. Шунинг учун нафақани 50 фойз оламан. Ишловчи 1-11 гурух ногиронлари нафақани тўлиқ олмашди. Мен болаликдан ногиронман. Нафақани юз фойз олишга ҳаққим борми?

М.Қурбонова, Муборак тумани

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрь кунги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 30 апрелда рўйхатга олинган "Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомга кўра, I ва II гурух ногиронларидан ташқари барча ишловчи пенсионерларга уларга тайинланган пенсиянинг 50 фойз миқдоридора пенсиялар тўланади.

Пенсияни тўлиқ миқдорда (100 фойз) тўланадиган тоифадаги ишловчи пенсионерларга яна қуйидагилар ҳам қиради:

а) Иккинчи ҳақон уруши ногиронлари, қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар;

б) Иккинчи ҳақон уруши йилларида ҳарбий хизматни ўтаган ёки фронт орқасида ишлаган шахслар;

в) Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган фуқаролар; г) фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг раислари;

д) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи пенсионер аёллар - ёшга доир пенсияни олганда.

Ихтиёрий-мажбурий

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Ҳиқуқ» газетасининг info@hiquq-gazeta.uz электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Шахс манфаатларини ҳимоя қилиш кафолати

/Давоми. Бошланғичи 1-бетда/

Шу нуқтаи назардан суриштирув, дастлабки тергов ва ишларни судда қўриш пайтида процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига оғишмай риоя этиш ҳуқуқ-тартиботни, давлат, жамият манфаатларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг зарур шартини ҳамда воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу қонун тергов қилиш ишларини аниқ мақсадга йўналтиришга ва фаол равишда олиб боришга, жиноятларнинг олдини олиш, уларни содир этиш сабаб ва шарт-шаритларини бартафат этиш вазифаларини бажаришга кўмаклашади.

Фақат процессуал қонунчилик норма талабларига қатъий риоя этишигина иш бўйича: асл ҳақиқатнинг аниқланишига; суриштирув ва дастлабки терговда қонуний ва асосли қарор, судда қонуний ҳамда асосланган ҳукми, ажрим ва қарор чиқарилишига; одил судловни таъминлашига олиб келиши мумкин. Жиноят-процессуал қонунчилик асослари тўғрисида сўз юритилганда, аввало, жиноят-процессуал қонунчилик принципларини инобатга олиш лозим. Жиноят процессининг принциплари, биринчидан — жиноят-процессуал қонунчилик асослари моҳиятини очиб берса, иккинчидан — унинг асосий фундаментал қоидаларини белгилайди.

Шунинг учун ҳар қандай тергов ҳаракатларини амалга оширишда (суриштирув, дастлабки тергов ёки суд тергов) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига белгиланган принципларга риоя қилинмоғи шарт. Бу принципларга риоя этилмаслиги жиноят содир қилишда гумон қилинган ёки айбланган шахснинг айбдор ёки айбсизлигини исботловчи далиллар номмақбул деб топилишига олиб келади. Жиноят-процессуал қонунчилик принциплари ЎзР ЖПКнинг 2-боби, 11-27-моддаларида тартибга солинган.

Қонунчилик принципи (ЖПКнинг 11-моддаси). Жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар амалдаги қонунларга аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Далиллар мақбуллигига одил жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 112-сонли қарориди бу принципга риоя қилинишига алоҳида эътибор қаратилган. Қонун ҳар бир иш бўйича иш юритишда ЖПКда белгиланган тартибга риоя этилишини тақозо этади. Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекинш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Жиноят-процессуал муносабат иштирокчилари бўлиши судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, химоячи, шунингдек жиноят ишида иштирок этишга жалб қилинган бошқа шахслар ҳам қонунийлик талабларига тўла риоя этишлари лозим, акс ҳолда қонун талабларига зид ҳаракат қилиш қонунчилик принципини бузиш деб тан олинади ва баъзи ҳолларда юридик жавобгарликни вужудга келтиради.

Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш принципи. ЎзР ЖПКнинг 17-моддасига мувофиқ, судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари шарт. Авваломбор, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган.

Шу босис жиноят ишини тергов қилиш ва суд муҳокамаси пайтида айбланувчи, судланувчи шахсларга нисбатан қийноққа солиш, зўравонлик қилиш, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа ҳаракатларнинг амалга оширилганлиги аниқланса ва агар бу ҳаракатлар дастлабки тергов жараёнида ўтказилган бўлиб, суд муҳокамасида маълум бўлса, бундай ҳолларда суднинг судланувчига нисбатан айблов ҳукми чиқаришга ҳаққи йўқ.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш принципи. Қонун талабига кўра, жиноят ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофазат қилишлари шарт. ЖПКнинг 18-моддасида қайд қилинган маъзур принцип биринчи айбдорлик масаласини ҳал қилишдан олдин унинг айбсизлигини инкор этишини тақозо этади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (22-модда), Ўзбекистон Республикаси ўз фуқароларининг ўз ҳудудида ва ҳудуддан ташқарида ҳам ҳуқуқий ҳимоя қилинишини қамолатлайди.

Бу принципни таъминлашга жиноят процесси нормаларига қатъий риоя қилиниши билан эришилади. Бунинг учун сўроқ қилиш иштирокчиларига ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш учун барча шароитлар яратиб берилиши лозим. ЖПК талабларига кўра, шароит яратиш мажбурияти жиноят-судлов иш юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларга юклатилган.

Жиноят ишлари юритилганида тил принципи (ЖПКнинг 20-моддаси). Қонун талабига кўра, жиноят ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

Бу принципнинг жиноят процессидаги аҳамияти катта, чунки у жиноят процессининг барча босқичларида қўлланилади. Унга риоя қилиш жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, жиноят процесси иштирокчиларининг уларга мансуб бўлган ҳуқуқларини тўлақонли амалга оширишга, ўз манфаатларини тўла ҳимоя қилишга, уларга юклатилган мажбуриятларни амалга оширишга имконият яратади. Шунингдек, бу принцип жиноят процесси принципларини татбиқ қилишда ҳам катта рол ўйнайди.

Ҳақиқатни аниқлаш принципи (ЖПКнинг 22-моддаси). Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят ўз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаш шарт. Бу принцип сўроқ қилишда айбни бўйинга қўйиш (айбни исботлаш) эмас, балки ҳақиқатни аниқлашга ургу берилш лозимлигини тақозо этади. Қонун талабига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят ўз берган-бермаганлигини, юз берган бўлса уни ким содир қилганлигини ва улар

билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш шарт. Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши керак.

Ҳақиқатни аниқлаш жиноят процессининг муҳим принципларидан биридир. Унга жиноят ишини ҳолисона тергов қилиш орқали эришиш мумкин, яъни тергов органлари, прокурор ва суд томонидан ҳар бир жиноят иши бўйича бўлган ҳолатлар воқеликка тўғри бўлганлигини аниқлаб, далилларни тўплашда, қайд этишда, уларни текшириш ва баҳолашда процессда иштирок этувчи барча шахсларга нисбатан ҳолисона ҳаракат қилишдан иборат. Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун процессуал қонун талабларига тўла риоя қилган ҳолда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш талаб қилинади.

Агар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳдан ҳамда ишда иштирок этувчи бошқа шахсдан зўрлаш, қўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача қораларни қўллаб кўрсатмалар олиш ҳаракатлари ўтказилган бўлса, бундай ҳолатнинг усул билан олинган маълумотлар далил мақомига эга бўлмайдиган ва шу ҳаракатни амалга оширган мансабдор шахслар жавобгарликка тортилиши учун асос бўлади.

Айбсизлик презумпцияси (ЖПКнинг 23-моддаси). Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний қўлга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади. Бу принцип Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унинг мазмуни қуйдагиларда кўринади: шахснинг айби исбот қилинмагунга қадар у айбсиз деб топилади; гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи айбини исбот қилиш фақат ваколатга эга тегишли давлат органлари томонидан амалга оширилади, яъни шахс ўз айбсизлигини исботлаб беришга мажбур эмас; агар барча гумонлар исботланмаса, бунда бу гумонлар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи фойдасига ҳал этилади; шахс фақат суднинг ҳукми, қарорига биноангина айбдор, деб топилади ва қонунда кўзда тутилган жавобгарликка тортилиши мумкин.

Қонун талабига кўра, шахснинг айбдорлик масаласини ҳал қилиш учун унинг айби етарли исбот-далиллар билан исботланган бўлиши лозим. Юқорида қайд қилингандек, айбсизлик презумпциясининг муҳим қоидаларидан бири гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслигидадир. Лекин бу гумон қилинувчи, айбланувчининг ўз айбсизлигини исботлашга қаратилган ҳаракатларини чеклаш дегани эмас, аксинча, сўроқ қилинувчининг бундай уриинишларини қўллаб-қувват-

лаш лозим. Қолаверса, бу тактик жиҳатдан муҳим ижобий натижа беради, яъни айрим салбий оқибатларнинг олдини олади.

Химояланиш ҳуқуқи билан таъминланиш принципи (ЖПКнинг 24-моддаси). Қонун талабига кўра, сўроқда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи химояланиш ҳуқуқига эга. Бу принцип ҳам Конституциявий принцип бўлиб, Конституциянинг 26-моддаси "Судда айбланаётган шахсга ўзини химоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилишини" ва 116-моддаси эса, "юридик ёрдамни адвокатурга орқали олишни" кафолатлайди.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи шахсан ўзи ёки химоячи (адвокат) ёрдамида химояланиш ҳуқуқига эга. Юридик ёрдам кўрсатиш, жумладан, жиноят ишларида химояни амалга ошириш учун адвокатлик институти фаолият кўрсатади. Амалдаги қонунларга мувофиқ бундай юридик ёрдамни жиноят муносабатининг бошқа иштирокчилари, яъни жабрланувчи, гувоҳ ҳам олиши мумкин.

Жиноят процессида химояланиш ҳуқуқи ЖПКнинг 49-53 моддаларида тартибга солинган. Ушбу принципга риоя этилиши:

— гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи жиноят процессининг иштирокчиси сифатида бир қатор процессуал ҳуқуқларга эга бўлишига ва уларига қўйилган айбловдан химояланиш учун ўзини-ўзи муваффақиятли идора қилиш ва қонуний манфаатларини ҳимоя этишга имкон беради;

— гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи химоячи ёрдамидан фойдаланиш, баъзи ҳолларда эса химоячининг иштироки зарур бўлиб қолганда бу ёрдамни қонун асосида бевосита олишга имкон беради (ЖПКнинг 51-моддасида қайд этилган жиноят ишларида химоячининг иштирок этиши шарт);

— суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд эса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришга мажбур бўлиб, уларга химояланиш ва манфаатларини, шахсий ҳуқуқ ва моддий ҳуқуқларини идора қилиш учун шароитлар яратиб беришлари лозим.

Далилларни бевосита ва озаки усулда текшириш принципи (ЖПКнинг 26-моддаси). Жиноят ишини юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд далилларни бевосита текширишлари: гумон қилинувчи, жабрланувчи, айбланувчи, судланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилишлари, эксперт хулосаларини тинглашлари, ашёвий далилларни кўздан кечириш баённомаси ва бошқа ҳужжатларни ўқиб эшитиришлари шарт.

Суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқаради. Айблов ҳулосасида тилга олинмаган, яъни жиноят иши ҳужжатларида қайд этилган маълумотлар ва далилларни суд инобатга олмайдиган ва агар тарафлар томонидан келтирилмаётган ва иш ҳужжатларида қайд этилмаган далиллар аниқланса, у ҳолда

Бахтиёр ПУЛАТОВ,
Бош прокураторнинг Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи

суд уларни текшириш ҳуқуқига эга, лекин бу далилларни текшириш имкониятлари судда бу ҳаракатларни амалга оширишга тўсқинлик қилса ва суд мазкур далилларни текшириш имкониятига эга бўлмаса, бу ҳолда суд ажримига асосан жиноят иши терговга қайтарилади.

Процессуал ҳаракатлар ва қарорлар юзасидан шикоят қилиш принципи (ЖПКнинг 27-моддаси). Процесс иштирокчилари ва бошқа шахслар, шунингдек, жиноят ишини юритишдан манфаатдор бўлган қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари ЖПКда белгилаб қўйилган тартибда ва муддатда суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят беришга ҳақлидир. Процесснинг исталган босқичида илтимос билан мурожаат этиши ва шикоят бериши мумкин.

Жиноят процессида процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи унда иштирок этувчи шахсларга берилган. Процесс иштирокчисининг шикояти ўринсиз қондирилмаганлиги ва унга асоссиз рад жавоби берилганлиги аниқланса, у ҳолда бу процесс иштирокчисининг талаблари қондирилиши лозим бўлади.

Юқорида қайд қилинган принципларга риоя қилишдан ҳар қандай чекинш, у қандай сабабга кўра юз берганлигидан қатъи назар, олинган далилларнинг номмақбул (яроқсиз) деб топилишига олиб келади. ЖПК талабларига кўра, суриштирув, тергов ва суд муҳокамаси замирида инсон тақдирини адолатли ҳал қилиш мақсади ётиши лозим, ҳар бир иш ортда тирик жон, муайян инсон турганлиги ҳар доим ёддан чиқарилмаслиги зарур.

Бугунги кунда амалга оширилаётган кенг қамровли, изчил ва қатъий ислохотларнинг таркибий қисми ҳисобланган суд ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлайдиган ҳуқуқий демократик давлат қуриш ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборатдир. Бу жараёнда жиноят ишларини юритишга масъул бўлган давлат органлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган ўз ваколатларини амалга оширишда қонунийликка риоя этиш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Қонунларга риоя этиш эса ҳуқуқий маданият белгисидир. Президент Ислам Қаримов юқоридаги мажлисда қайд қилганларидек, "Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Юраск ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуқлик кўрсаткичидир".

Сафарингиз бежавотир бўлсин

Умри давомида чет элга саёҳат қилишни орзу қилмаган одам бўлмаса керак. Кимлар шарқ, бошқа биров гарб мамлакатларига саёҳат қилиш истагида бўлади. Бундан ташқари, мамлакатимизда турли сайёҳлик изораларининг кўпайиши, айниқса, кўча-кўйдаги реклама панноларига ҳам чет элга саёҳат қилишга тақлиф этувчи эълонларга тез-тез кўзингиз тушиши мумкин. Тошкент авиация транспорт прокурори Акмал ТУРСУНОВ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва мамлакатимиз ҳудудига кириши тартиби борасида бизни қизиқтирган саволларга қуйилганча жавоб бери.



— **Мамлакатимизнинг баъзи бир фуқаролари чет элга чиқиш ва республика-миз ҳудудига кириш тартиб-тартиб ҳақида етарли маълумотга эга эмаслиги туфайли турли саволлар билан мурожаат қилишади...**

— Фикрингизга қўшилиман. Кўпчилик фуқаролар хорижга чиқиш ва киришга доир қонунчилик билан етарли маълумотга эга бўлмаганликлари туфайли бир қатор қонунбузилишларга йўл қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет элга чиқиши ва мамлакатимиз ҳудудига кириши билан боғлиқ масала Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши тартиби ва 2001 йил 7 июлдаги 200-сонли қарори талаблари билан меъёрлаштирилган.

Маъжур қарорнинг умумий қоидаларига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган чеклашлардан ташқари, чет элга эркин чиқиш ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасига келиш ҳуқуқига эгадирлар. Ақсарият МДХ мамлакатларига визалар расмийлаштирилиши талаб қилинмайди. Хорижга вақтинча чиқётганда фуқароларга чет элга бориш учун 2 йил мобайнида амал қиладиган рўхсатнома ёзуви қилинган расмийлаштирилади. Фуқаролар кўрсатилган муддат ичиде бир неча марта чет элга чиқиши мумкин. Стикернинг амал қилиш муддати паспортнинг амал қилиш муддатидан ошмаслиги керак.

Чет элга чиқиш учун рўхсатнома ёзуви стикери фуқароларнинг доимий рўйхатда турган жойлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармаси, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси, шунингдек, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг туман бўлиналари томонидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасалари томонидан кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиналари билан келишган ҳолда амалга оширилади.

— **Хорижга бориш истагида бўлган республика-миз фуқаролари хужжат расмийлаштиришда яна нималарни билишлари лозим?**

— Чет давлатларга чиқиш истагида бўлган ҳар бир фуқаро, аввало, хужжатларнинг расмийлаштирилишига катта аҳамият бериши талаб этила-

ди. Чет элга бормоқчи бўлган фуқаролар паспортни, белгиланган намунадаги анкета-аризани, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанцияни, 35x45 мм. ўлчамли 4 та фотосуратни тақдим этган ҳолда доимий рўйхатда турган жойдаги кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиналари мурожаатини 15 иш кунини мобайнида кўриб чиқиш ва чет элга чиқиш ҳуқуқига чекловлар учун асос бўлмаган тақдирда унинг паспортига стикер ёпиштирилади. Зарур тарзда расмийлаштирилган хужжатлар кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиналарига бериш билан кун мурожаат қилинган сана деб ҳисобланади. Амал қиладиган стикер ҳақиқий бўлмаган паспортдан янги паспортга кўчирилган ҳолларда, ушбу стикерни расмийлаштириш муддати 7 иш кунидан ошмаслиги керак.

Чет элга хизмат сафарига бораётган фуқароларга, улар ишлайдиган ташкилотларнинг мулкчилик шаклларида қатъий назар, чет элга чиқиш ҳуқуқини чеклашлар учун асос бўлмаган тақдирда, стикерни расмийлаштириш учун хужжатларни кўриб чиқиш муддати 10 иш кунидан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқишни талаб қиладиган шошилинч давло-ниш заруритини, оғир касаллик ҳолатларини ёки қариндоши вафот этганлигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда фуқарога ва унга ҳамроҳлик қилувчи шахсларга стикерни расмийлаштириш муддати, чет элга чиқиш ҳуқуқини чеклаш учун асос бўлмаган тақдирда, 5 иш кунидан ошмаслиги керак.

Хорижий давлатда доимий яшаш учун чиқиш ҳужжатларини расмийлаштиришда фуқароларнинг доимий рўйхатда турган жойларидаги кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиналари аризаларнинг мурожаатини 15 иш кунини мобайнида кўриб чиқиш ва фуқаронинг чет элга чиқишига тўқтинлик қилувчи ҳолатлар бўлмаган тақдирда, унинг паспортига доимий яшаш учун стикерни ёпиштирилади. Кўшимча текширишлар ўтказиш зарур бўлганда хужжатларини кўриб чиқиш муддати 30 кунгача узайтирилиши мумкин. Доимий яшаш учун чет элга чиқишда фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига доимий яшайдиган ўз ота-онасининг ва турмуш ўртоғининг (биргаликда чиқиш ҳолатлари бундан мустасно), шунингдек, агар биргаликда никоҳдан болалар бўлса, Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган собиқ турмуш ўртоғининг нотариал тасдиқ-

ланган розилигини, улар вафот этган ёки бедарак йўқолган ҳолларда эса — вафот этганлик тўғрисидаги гувоҳнома-нинг ёки суднинг шахсни бедарак йўқолган деб эътироф этиш ҳақидаги қарорининг нотариал тасдиқланган нусхасини кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиналари тақдим этишлари.

Республика-миз фуқаролари хорижий давлат ҳудудига кириш визасини олиш учун тегишли хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарига ёки консуллик муассасаларига мурожаат қиладилар.

Хусусий контрактлар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун чет элга чиқишни расмийлаштириш белгиланган тартибда амалга оширилади. Чет элга кетаётган ва давлат сири бўлган маълумотлардан хабардор бўлган шахсга нисбатан кетаётган шахснинг иш жойи бўйича ташкилоти тегишли органларга давлат сири бўлган маълумотлардан хабардорлик даражаси тўғрисидаги хулосаси юборида.

Чет элга вақтинча яшашга кётган (хизмат сафарига, ўқишга, контракт бўйича ишлашга ва шу қабилар) мамлакатимиз фуқаролари муайян ёшга тўлганлиги ҳамда паспортда белгилар ва визалар қўйиш учун варақлар туғанлиги, шунингдек, чет элга бориш учун стикерни расмийлаштириш муносабати билан паспорт алмаштирилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасаларига паспорт бериш ва чет элга чиқиш учун стикерни расмийлаштириш тўғрисида белгиланган шаклда ариза билан мурожаат қиладилар. Фуқароларнинг аризалари белгиланган тартибда консуллик муассасалари томонидан расмийлаштирилади ҳамда паспорт ва стикерни расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ички ишлар вазирлиги аризалари расмийлаштириш учун Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик муассасасига юборилади. Паспортни расмийлаштиришнинг тўлиқ даврий муддати 30 иш кунидан ошмаслиги керак.

Вақтинча яшаш учун чет элга кетган ва чет элда доимий яшашга қарор қилган мамлакатимиз фуқаролари доимий яшашга рўхсатномани расмийлаштириш учун белгиланган шаклдаги хужжатлар билан Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик муассасасига мурожаат қиладилар. Консуллик муассасаси фуқароларнинг чет элда доимий яшаш учун қолдириш бўйича хужжат-

ларни расмийлаштиришда ва масалани белгиланган тартибда келишиш учун хужжатларни Ташқи ишлар вазирлиги орқали Ички ишлар вазирлигига юборида.

— **Чет элга бориш ҳуқуқига чеклашлар ҳам мавжудми, агар мавжуд бўлса улар нималардан иборат?**

— Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги қарорининг 1-иловаси ҳамда 2011 йил 7 июлдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган Низомда тушунча ва изоҳлар бериб ўтилган бўлиб, қуйидаги сабаблар чет элга бориш ҳуқуқини чеклаш учун хизмат қилиши мумкин:

а) агар шахс давлат сири ҳисобланган маълумотлардан воқиф бўлса ёки унинг чет элга боришига монелик қилувчи бошқа шартнома, контракт мажбуриятлари амалда бўлса — бу ҳолатларнинг амал қилиши туғангунга қадар;

б) агар шахсга нисбатан жиноий иш кўзғатирилган бўлса — иш бўйича ақуний қарор қабул қилингунга қадар;

в) агар шахс суднинг ҳукми билан алоҳида ҳаффи рецидивист деб тан олинган ёки ички ишлар органларининг маъмурий назорати остида бўлса — судланганлик олиб ташлангунга қадар ёки назорат қилиш тўхтатилгунгача;

г) агар шахсда суд томонидан юкланган ижро этилмаган мажбуриятлар бўлса — мажбуриятлар ижро этилгунга қадар;

д) агар шахс ўзи тўғрисида қасддан сохта маълумотларни берган бўлса;

е) агар судда шахсга нисбатан фуқаролик даъвоси кўзғатилган бўлса — иш кўриб чиқилгунга қадар;

ж) агар шахс қақирқик участкасида рўйхатга олинган ва ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга қақирқилиши керак бўлса — ҳақиқий муддатли хизматни ёки сафарбарлик қақирқуви захирасидаги хизматни ўтагунга қадар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундан озод қилингунга қадар;

з) агар шахсга нисбатан Ички ишлар вазирлигида ёки Ташқи ишлар вазирлигида ваколатли органларнинг ушбу шахснинг чет элда бўлган вақтда келган мамлакат қонунларини бузганлиги (қонунбузилишлари рўйхати тегишли органлар томонидан белгиланган) тўғрисидаги ахбороти, шунингдек бориш мақсада мувофиқ эмаслигини кўрсатадиган ахбороти мавжуд бўлса — ахборот ҳисобга олинган қундан бошлаб икки йил ўтгунга қадар.

— **Агар фуқаронинг чет элга бориш ҳуқуқи рад этилган бўлса, у қайси органга шикоят қилса бўлади?**

— Бундай ҳолатларда фуқаро чет элга боришга рўхсат беришининг рад этилиши, жавоб беришининг белгиланган муддатдан ортиқча кечиктирилиши устидан юқори органга шикоят қилиши мумкин. Бу орган бир ойдан кўп бўлмаган муддатда жавоб бериши керак, фуқаро унинг қароридан норози бўлганда судга шикоят қилиши мумкин. Аммо юқорида айтиб ўтилган "а", "б", "ж" ва "з" кичик бандларида кўрсатилган сабаблар бўйича чет элга бориш ҳуқуқини чеклаш устидан шикоят қилиниши мумкин эмас.

— **Мамлакатимизга қайтиб келмоқчи бўлган фуқаролар қайтиб кириш учун хужжатлари қандай расмийлаштирилади?**

— Агар чет элда вақтинча ёки доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг амалдаги паспорт ёки Ўзбекистон Республикасига қайтиб келишга сертификат мавжуд бўлганда мамлакатимиз ҳудудига эркин кириш ҳуқуқига эгадир.

Паспорт амал қилиш муддати чет элда туғанга, у яроқсизланган ёки йўқолган ҳолларда, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда (фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси ўзгарган, ёзувларда ноаниқликлар ва хатолар аниқланган, варақлар ўстилатиб бўлинган ва бошқа ҳолларда) чет элда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси янги паспортни расмийлаштириш учун ўзи турган мамлакатдаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасасига мурожаат қилади. Агар фуқаро турган мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси бўлмаса, фуқаро ўзи турган мамлакат консуллик округига қирадиган Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасасига мурожаат қилади.

Чет элда вақтинча турган ва ўзи турган мамлакатдаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасасида консуллик ҳисобиде турмаган фуқаро, Ўзбекистон Республикасига қайтишга сертификат олиш учун Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик муассасасига мурожаат қилади. Чет элда доимий яшайдиган ва Ўзбекистон Республикасига вақтинча келган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Ўзбекистон Республикасида бўлган вақтда паспортнинг амал қилиш муддати туғанган ёки у йўқолган ҳолларда паспорт бериш ёки алмаштириш ҳамда рўхсатнома ёзуви стикерини расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Хорижда доимий яшайдиган ва Ўзбекистон Республикасига доимий яшаш учун қайтишни ният қилган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасасидаги консуллик ҳисобидан чиқишлари лозим. Фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига турган тақдирда, улар консуллик ҳисобидан чиқиши учун Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қиладилар.

Коррупцияга қарши курашишнинг ўзига хос аҳамияти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Францияда давлат хизмати тизимидаги коррупциянинг олдини олиш ва барҳам бериш мақсадида сайлаб қўйилган барча давлат хизматчиларига ва коррупция таъсирига берилиши мумкин бўлган жамоат хизмати кадрларига ўз мол-мулкига ва даромадлари ҳақида мустақил идораларга маълумот бериш мажбуриятини юклат тўғрисида қарор қабул қилинган. Бундан ташқари, давлат аппарати юқори мартабали ходимларининг даромадлари ва мол-мулк ҳақидаги декларациялар кенг миқёсда ошқор этилишини таъминлайдиган ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилган.

Маълумки, коррупция хорижий ва миллий инвестиция кўламига салбий таъсир кўрсатади. Кўпгина хорижий инвесторлар коррупциялашган ҳудудга сармоя киритишдан шубҳаланадилар. Чунки коррупция ишлаб чиқариш харажатларининг асоссиз кўпайишига сабаб бўлади. Бу борада ўтказилган халқаро сўровларда йирик фирмалар раҳбарларининг учдан бир қисми коррупция халқаро иқтисодий лойиҳа харажатларини камида 10 фоизга ортиб кетишига сабаб бўлаётганлигини билдирган.

Юртимизда кичик ва ўрта бизнес жамиятининг иқтисодий ўсишини таъминловчи асосий омиллардан бири сифатида қабул қилинган. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган ресурслар баъзида коррупция гирдобига тушиб қолиб, ўз фаолиятида давлат бюд-

жетига тегишли солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг эмас, балки мансабдор шахслар манфаати учун хизмат қилиши, бу ўз навбатида, давлат бюджети танқислиги юзга келишига ва пировард натижада, давлатнинг жамият фаровонлиги йўлидаги харажатлар кўламининг қисқаришига олиб келиши мумкин.

Жумладан, давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва эркинлаштиришга қаратилётган эътибор сабабли фуқароларда бу соҳада меҳнат қилиш истаги янада кучаймоқда. Бу борада, тадбиркорларимиз фаолиятини олиб боришида кўпроқ муножат этиши мумкин бўлган тегишли ташкилот ва идораларни эътибордан чиқармаслик керак. Чунонки, фуқароларни тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш, муайян йўналишлар бўйича лицензия ва рухсатномалар бериш, қолаверса, эркин фаолият юритишлари даврида тегишли идора мансабдор шахслари ўз манфаати йўлида уларга нисбатан ноқонуний тўсиқ яратиши мумкин.

Бундай ҳолат барча учун ва ҳамма жойда хавfli бўлиб, фуқароларнинг аҳолини оғирлаштириди, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига тўсиқ бўлади.

Айтиш кераки, коррупция ҳоллари-

ни аниқлашга қаратилган тезкор-таҳлилий ва қидирув ишларини ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан самарали фаолият олиб борилмоқда.

Жумладан, Департамент ходимларининг асосий эътибори, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат органларининг аралашувини қисқартириш, бу фаолиятни асоссиз чеклашга ҳамда тадбиркорликнинг амалга оширилиши учун ҳуқуқий пойдевор яратиш, тадбиркорликни шакллантириш, кредит маблағлари ва тегишли бино ёки ер участкаларини ажратиш ёки шу каби бошқа ҳолатларда ортиқча бюрократик тўсиқ ва говларни кескин камайтириш ҳамда мансаб суистеъмолчилигини бартараф этишга қаратилган бўлиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясига оид 233 та ҳолат фoш этилган.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, бугунги кунда коррупциянинг илдирилари бартараф қилиш учун мунтазам равишда иқтисодий ислохотлар олиб борилмоқда ва давлат бошқарувини такомиллаштириш дастури ҳаётга татбиқ этилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, турли назорат органлари томо-

Бахтиёр ИБАТОВ,
СВОЖДЛҚК Департаменти
бошлиғи ўринбосари

нидан текширишларни янада камайтириш бўйича Президентимиз раҳбарлигида бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда ва бу ижобий натижалар бермоқда.

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш самарасини янада ошириш мақсадида бошқарув ва иқтисодий соҳада ҳамда жойларда тарғибот ишларини тўла ишга солиш, бу жараёнда фуқаролик жамиятининг роли ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда содир бўлаётган ҳуқуқий жараёнларга бепарволик ҳиссини йўқотиш, ушбу соҳага оид содир этилган қонунбузарлик учун жавобгарлик ва жазо муқаррарлигини тушунтириш бўйича профилактика ва тарғибот ишлари мунтазам равишда олиб борилмоқда.

Шундай экан, ўйлаймики, мазкур иллатга қарши курашишда нафақат давлат органлари, балки барча фуқароларимизни бирлаштирган ҳолдагина самарали натижаларга эришиш мумкин. Бу борада олиб борилган муваффақиятли саъй-ҳаракатлар жамиятимизнинг сийсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида муҳим рол ўйнайди.

Солиқлар фаровон турмуш учун

Бошқарамиз томонидан Бош прокурорнинг кўрсатмалари асосида давлат солиқ сийсатини амалга ошириш, солиқ базасини кенгайтириш билан бирга солиқ ва валютага оид жиноятлар, жиноий даромадларни легаллаштириш, коррупция, яширин иқтисодиётга қарши курашиш борасида фoш иш олиб борилмоқда. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида профилактика, тарғибот ишларини кучайтириш, тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, суистеъмолчилик, коррупция ҳолатларига барҳам беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Утган йил мобайнида 5 мингдан зиёд матбуот, радио ва телевидение орқали чиқишлар, учрашув ва суҳбатлар тарзидаги бевосита мулоқотларда соҳага оид амалдаги қонун талаблари шарҳлаб берилди. Бош прокурор томонидан тасдиқланган "Департамент зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда профилактика тарғибот ишларини кучайтириш, фаолиятини такомиллаштириш, кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури"нинг ижросини таъминлаш мақсадида тузилган ишчи гуруҳи вилотнинг барча шаҳар ва туманларида, маҳалла фуқаролар йиғинларида 877 мартаба учрашув ва йиғилишлар ўтказди. Уларда қатнашган 16 минг 848 нафар фуқаролар, тадбиркорлар солиқ мажбуриятлари тўғрисидаги, солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари борасидаги билим дои-

раларини кенгайтириш имкониятларидан фойдаландилар. Ушбу жараёнда бир қанча кам таъминланган оилаларга касаначилик ва бошқа турдаги тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш орқали ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги амалдаги қонунлар ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатишнинг кенгайтириш ва ривожлантиришга зарур шарт-шароитларни яратди. 109 та тадбиркорлик субъектларига қўрсатилган амалий ёрдам натижасида 247 та янги ва қўшимча иш ўринлари яратилди. 1 млрд. 345,7 млн. сўмлик қўшимча махсулотлар ишлаб чиқарилиши ва хизматлар кўрсатилишига, давлат бюджетига 168,8 млн. сўмлик солиқлар тўланишига эришилди.

Айни чоғда гайриқонуний қилмишларга чек қўйиш устида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, хуфиёна иш юритиш, пора олиш, тадбиркорларнинг банкдаги пул маблағларини ўзлаштириш, валюта бозорида ноқонуний фаолият юритиш, алкоғолли ичимликлар савдоси билан ноқонуний шуғулланиш каби ҳолатларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар натижасида 362 та жиноят ишлари, 11 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилди. Бюджетга 18 млрд. 640,4 млн. сўмлик қўшимча маблағлар ҳисобланиб, 7 млрд. 153,8 млн. сўми ундирилиши таъминланди. Бундан ташқари, қўшимча ҳисобланган солиқ-

ларнинг ундирилишини таъминлаш мақсадидаги суриштирув жараёнида 1 млрд. 752,9 млн. сўм пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар хатланди.

Мансабдор шахслар томонидан пора талаб қилиш, тамағирлик ва бошқа қўринишлардаги коррупция ҳолатларини аниқлашга қаратилган тезкор тадбирлар ўтказилмоқда. Мутасадди идораларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларини аниқлашга қаратилган тўсиқларни қўзғатиш, турли бахоналар билан пора талаб қилинган. 3 та ҳолатда тижорат банклари ходимлари томонидан тадбиркорларнинг ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари ўзлаштирилган. 2 та ҳолатда тадбиркорлар топширган нақд пул маблағлари кирим қилинмасдан талон-торож қилинган. Банк томонидан тадбиркорнинг нақд пул олиш талаби қондирилмаган. 2 та ҳолатда фермер ўҳжаликларига ажратилган минерал ўғитлар пуллаб юборилган.

Ўтказилган тадбирларда 75,5 млрд. сўм нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмаси аниқланиб, ушбу ҳолатлар бўйича 87 та жиноят ишлари қўзғатилди. 1 млрд. 318,7 млн. сўмлик импорт товарлар ноқонуний муомаладан олиб қўйилди.

Банклар томонидан валюта қимматликлари эркин алмаш-

тирилмоқда. Фуқаролар зарур бўлганда ариза билан мурожаат этиб, пул алмаштириб олиш имкониятидан фойдаланишяпти. Бу ноқонуний валюта бозорини касодга учраб боришига муайян таъсир ўтказмоқда. Бироқ ҳамон валютани қора бозорда ноқонуний сотиш ва сотиб олишдан иборат жиноий қилмишлар содир этилмоқда. Шаҳар ва туманларда ўтказилган тадбирларда хорижий валютага оид ноқонуний муомаласи, айирбошланиши билан боғлиқ 51 та ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, 40 та жиноят ишлари, 11 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилди. Ноқонуний муомалада бўлган 105 минг 522 АҚШ доллари, 267 минг 380 Россия рубли, 155 минг 500 Қозоғистон тенгеси, 33 минг 550 Қирғизистон соми ва 15,8 млн. Ўзбекистон сўми олиб қўйилди. Бозорда пулфурushлик билан шуғулланган шахсларни валюта маблағлари билан таъминлаб, ҳуқуқбузарликка шерик бўлган 6 та банкнинг валюта айирбошлаш шохобчалари мансабдор шахслари томонидан 908 минг АҚШ доллари ва 9 минг евро ноқонуний сотилгани, 465,2 млн. сўм миқдорда ноқонуний даромад олингани аниқланди.

Жамиятга жиддий зарар етказувчи хуфиёна иқтисодиётга қарши кураш кучайтирилмоқда. Яширин ишлаб чиқариш билан шуғулланувчиларни аниқлаш, уларнинг фаолиятларига барҳам бериш борасидаги тадбирларда 56 та ҳолат аниқланиб, 175,6 млн. сўмликдан зиёд ноқонуний ишлаб чиқарилган махсулот-

Равшан РАХМЕТОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Фаргона вилот бошқармаси
бошлиғи вазифасини бажарувчи

лар ва ҳижозлар олиб қўйилди.

Шунингдек, киши саломатлигига зиён етказувчи қўлбола спиртли ичимлик дўконларининг мутасаддилари фаолиятларига чек қўйилмоқда. Ушбу жараёнда 13,2 млн. сўмлик этил спирти, алкоғолли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари олинди, гайриқонуний савдо-сотикқа барҳам берилди.

Маълумки, давлат бюджетини, маҳаллий бюджетлар солиқ тўловларидан тушган маблағлар ҳисобидан шаклланади. Ушбу бюджет маблағлари эса халқимизнинг муносиби турмуш кечириши учун барча шарт-шароитларни яратиш ва такомиллаштириб беришга сарфланмоқда. Бу ҳақда зарур тушулурча эга бўлган, турмуш шароитлари тобора яхшилашни бораётганини кўриб, ҳис қилаётган фуқаролар солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида адо этишмоқда. Бироқ мулкдор, тадбиркор, истеъмолчи тарзида ҳуқуқларини тасарруф қилиб, бурчларини адо этишдан, солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, даромадларини солиқдан яшириш каби қилмишлар жамиятга, фуқароларга жиддий зарар етказди. Бу каби қилмишларнинг пайини қирқиб, фуқароларнинг, давлатимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бошқарамизни ҳодимлари зиммасига улкан масъулият юклайди.

«Тиниб-тинчимаслик»

"Тиниб-тинчимаслик одамлар-эй, нималарни ўйлаб топшмайди-я!" Барчамиз учун қадри ва сеvimли бўлган "Маҳалла дув-дув гап" бадий фильми бош қаҳрамони аянинг қуйидаги сўзлари барчамиз учун даяри ёд бўлиб кетган. Вақти-бевақт эслаб ҳам турамиз Албатта, ая ўша пайтдаги ижобий ўзгаришларни кўриб, ҳайратланганидан шундай айтган. Буни қарангки, орадан шунча йиллар ўтиб, бугунги кунда ҳам ана шундай "тиниб-тинчимаслик"лар бор экан. Буларнинг ая айтганларидан фарқи биттагина, у ҳам бўлса, замонашларимиз шахсий манфаатлари йўлида тиниб-тинчимаслик ва айнан шу йўлда алланималарни ўйлаб топшади.

Нигматулла Усмонов, "Turon-hamkor qilish" масъулияти чекланган жамияти директори. "Тиниб-тинчимаслик"ни ўзига шпор қилиб олган бу шахс, жамият фаолиятини йўлга қўйган, хозиргина айтганимиздек, алланималарни ўйлаб топган, ишга киришди, яъни 2008 йилнинг 21 январидан Бектемир туманида жойлашган "Г.Красницкий" номидаги спорт мажмуасини куриш ҳақида Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" Инжиниринг компанияси билан пудрат шартномаси тузади. Орадан маълум вақт ўтиб, курилиш ишлари якунланиди ва бино фойдаланишга тайёр, деб маълум қилиниб, барча ҳужжатлар Инжиниринг компаниясига тақдим қилинади.

Уша йилнинг ноябрь ойида Н.Усмонов билан Инжиниринг компанияси томонидан навбатдаги шартнома имзоланади. Бу сафар томонлар М.Улугбек туманидаги "Тошкент ахборот-технологиялари" касб-хунар коллежини реконструкция қилиш ҳақида ўзаро келишиб оладилар. Шартнома шартлари, яъни ишлар бажарилган, коллеж биноси реконструкция қилинганлиги ҳақидаги ҳужжатлар компанияга топширилади.

Юқоридагиларни ўқиб, бир ташкилот иккинчиси билан курилиш ишларини амалга ошириш юзасидан шартнома тузиб, зиммасидаги вазифаларни бажарибди-ку, бунинг нимаси қонунга зид, дея ўйлаётгандирсиз. Ҳа, МЧЖ томонидан Инжиниринг компаниясига тақдим этилган ҳужжатлардагина ҳаммаси худди рисоладагидек. Аслида эса...

2010 йил 25 мартда МЧЖ билан Инжиниринг компанияси томонидан М.Улугбек туманида жойлашган "А.Қодирий" номидаги Тошкент маданият институти ёпиқ турдаги (ТИП-2) спорт мажмуаси ҳамда ёзги спорт майдончасини куриш ҳақида навбатдаги шартнома имзоланади. Ва гал ҳам шартномада кўрсатилган барча ишлар бажарилган, тегишли ҳужжатлар компанияга топширилади. Ва шу билан "ёпиқлик қозон ёпиқлигича" қолиши мумкин эди. Бирок, ҳужжатларда қайд этилгани

одамлар

Азамат РАҲМАТОВ,
Бош прокуратура бошқарма
АМИБ терговчиси

билан амалда бажарилган ишлар таққосланганда, айрим ноаниқликлар юзга келади ва текширув бошланади.

Маълум бўлишича, тегишли ҳужжатларда 2008 йил январь-июль ойлари давомида "Г.Красницкий" номидаги спорт мажмуаси курилишида бажарилган ишларнинг ҳажми 736 млн. 850 минг, дея кўрсатилган бўлса-да, шундан 14 млн. 366 минг сўм миқдордагиси қўшиб ёзилган, натижада шунча миқдордаги маблағ ўзлаштирилган экан. Табиийки, бу ишларни амалга оширишда Н.Усмоновга МЧЖ бош ҳисобчиси А.Лачинов, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи О.Алтухова, иш бошқарувчи М.Қўчқоровдан ташқари, Инжиниринг компаниясининг бўлим бошлиғи Р.Қодиров ва бўлим бош мутахассиси Х.Сайдалиходжаевлар ёрдам беришди. Шу ўринда "Тоштехурилишмонтаж" МЧЖ раҳбари А.Умаров, "Грисар сервис" МЧЖ директори Г.МҶРтичев, "Ақваснипласт" МЧЖ раҳбари А.Ходорковскийларнинг беминнат кўмакларини ҳам ёддан чиқармаслик лозим.

"Тошкент ахборот-технологиялари" касб-хунар коллежини реконструкция қилишда ҳам МЧЖ мутасаддилар билан Инжиниринг компаниясидигилар юқорида қайд этилган йўлдан боришди. Оқибатда, аслида бажарилмаган ишлар учун қўшиб ёзилган 13 млн. 146 минг сўмлик маблағ ўзлаштириш йўли билан талон-торож этилади.

Спорт мажмуасини куриш ҳамда касб-хунар коллежи биносини реконструкция қилиш бўйича барча ишлар "кўнгилдагидек" амалга ошган, шериклар улардан-да каттароқ ишларга қўл уришни ихтиёр этидилар ва юқорида баён этганимиз, "А.Қодирий" номидаги Тошкент маданият институтининг ёпиқ турдаги (ТИП-2) спорт мажмуаси ҳамда ёзги спорт майдончасини куришга киришадилар...

"Тиниб-тинчимаслик" мутасаддилар қўшиб ёзишнинг ҳадисини олган эмасларми, бу сафар бажарилган ишлар учун кетган маблағга кўрқмасдан нақд 184 млн. сўмини қўшиб ёзадилар ва тегишли ҳужжатларни яна бир бор қалбакилаштиридилар. Натижада шунча миқдордаги маблағ ўзлаштирилиб, талон-торож қилинади.

Умуман олганда, бу ишлар "тиниб-тинчимаслик" шерикларнинг "ўйлаб топганлари"дан бир шингил, холос. Агар улар иқтидорлари-ю салоҳиятларини жамият равнақи, халқ фаровонлиги йўлида ишлатганларидея борми... Афсуски, ундай бўлмади. Оқибатда эса, давлат ва жамият манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилгани-ю, суд томонидан уларга тегишли жазо берилганидан ташқари, эл-юрт олдиди ҳам юзлари шувут бўлди.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг ривожланишини тадбиркор ва ишбилармонларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг самарали меҳнатлари эвазига бозорларимиз турли-туман маҳсулотлар билан кундан-кунга бойиб бораётганлиги қувончли ҳол.

Қонуи доирасида даромад топиш учун ақлини ишлайтиб, тадбир билан иш юритиш ва ҳалол меҳнат қилиш талаб этилади. Ҳар қандай бошланган ишнинг муваффақияти замирида, аввало, ҳалоллик, поклик ва энг муҳими, халқ, давлат манфаати муваффақияти бўлганига мақсадга эришилади.

Тадбиркор номига доғ туширманг

Бугун ўзларига, ҳам эл-юртга ва давлатга наф келтираётган тадбиркорларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. Бироқ гуруч курмакисиз бўлмаганидек, виждонан ишлаб келаётган тадбиркорлар орасида бундай хислатлардан йироқ бўлган, дарҳол бойиб кетиш режасини тузган "сохта тадбиркорлар" ҳам учраб турибди. Уларни тадбиркорликнинг моҳиятини тушулмаган, давлат томонидан берилган имкониятлардан қонун асосида фойдаланмаган, ўз ҳуқуқ ва бурчини унутиб қўйган кишилар дейишимиз мумкин.

СВОЖДЛҚК Департаментининг Жиззах вилоят бошқармаси томонидан соғлом рақобат муҳитини бузиб келаётган "сохта тадбиркорлар"ни аниқлаш ҳамда уларнинг фаолиятига барҳам бериш бўйича бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Худди шундай кўштирноқ ичидаги "тадбиркорлик"нинг бошини тутган Жиззах вилояти Фаллаорол туманидаги "Агро тайёрлов импекс" масъулияти чекланган жамияти мансабдор шахслари ўз фаолиятлари давомида жуда кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, савдо ёки хизмат кўрсатиш қондаларини бузиш, чет эл валютасини яшириш, сохта тадбиркорлик ва мансаб сохтакорлиги жиноятларини содир этишган.

Хусусан, "Агро тайёрлов импекс" МЧЖ собиқ директори Бектемир Чиниқулов ва жамиятнинг жорий даврдаги директори Талъат Жаңиқуловлар ўзаро жиноий тил бириктириб, тадбиркорлик субъектларига яратилаётган кенг имкониятлар ва имтиёзлардан ноконуний фойдаланиб, мўмай даро-

мад топиш режасини тузганлар.

Бунинг учун улар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги Фармонида кўрсатилганидек янги ташкил этилган агро-саноат фирмалари фойда, ер, мулк, қўшилган қиймат солиқлари ҳамда ягона солиқ тўлашдан 5 йил муддатга озод бўлиши ҳақидаги ҳамда келгусида чет давлатларга экспорт қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳақиқатда ўзлари томонидан етиштирилмаган бўлсада, ўзлари экиб етиштирилганларни тўғрисида сохта ҳужжатлар расмийлаштириш ва шу йўл билан чет эл валютасини ваколатли банкларга мажбурий сотишдан озод бўлиш каби имтиёزلардан ноконуний фойдаланиш мақсадида Фаллаорол туманидаги "Тозауруғ" қишлоқ фуқаролар йиғини худудидан 61,5 гектар ер майдонини узоқ муддатга ижарага олишга эришганлар.

Шундан сўнг ушбу ер майдониди 2010 ва 2011 йилнинг ўтган даврида ҳеч қандай қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирмасдан, сохта маълумотлар тузган ҳолда, ушбу маълумотларни ваколатли идораларга тақдим этиб, мўмай даромад топиш мақсадида сохта тадбиркорлик фаолиятини юритишди.

Жиноий шериклар имтиёзлардан ноконуний фойдаланиб, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўланиши лозим бўлган жами 109 млн. 167,4 минг сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашди ҳамда 3 млрд. 180 млн. 245,8 минг сўм нақд пул маблағларини банкдан ташқари айлантириши, жуда кўп миқ-

Одилжон МАХМУДХОНОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Жиззах вилоят бошқармаси
мабтот гуруҳи катта инспектори

дордаги қийматда савдо қондаларини бузишди.

Икковлон солиқларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида туман давлат солиқ инспекциясига тақдим этилган жамиятнинг молиявий фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларида ўзларига шерик бўлишни хоҳламаган жамият бош ҳисобчиси имзосини қалбакилаштиришдан ҳам тап тортишмайди.

Бундан ташқари, жиноий гуруҳ ўз ҳаракатларини давом эттириб, жамият ҳисоб рақамларидаги чет эл валютасини сотмаслик мақсадида 1 млн. 49 минг 810 АҚШ доллари миқдордаги чет эл валютасини яширишди.

Уларнинг бундай қинғир ишига СВОЖДЛҚК Департаментининг Фаллаорол туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор таҳлилий тадбирлар чек қўйди.

Мазкур ҳолат юзасидан Департаментининг Фаллаорол туман бўлими томонидан "Агро тайёрлов импекс" МЧЖ мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Давлат манфаатларига етказилган жами 109 млн. 167,4 минг сўм зарар ундирилгани таъминланиб, суд томонидан Фаллаорол Б.Чиниқулов ва Т.Жаниқуловлар 2 йил муддатга қорхона, ташкилот, муассасаларда моддий жавобгарлик, мансабдорлик ва масъул лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, уларга 5 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Ноконуний даромад буюрмас...

Республикамиз иқтисодий ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва мавқеи ошиб бормоқда. Бу соҳага қаратилаётган эътибор, амалга оширилаётган чора-тадбирлар, яратиб берилаётган имкониятлар самарасини бугун кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз.

Бирок, ҳамон айрим юртдошларимиз тадбиркорлик ва ноконуний даромад топиш ўртасидаги фарқни англаб етмаётгандай назаримизда.

Буни СВОЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан "DIZAYN MEBEL BIZNES" МЧЖда ўтказилган текширув натижаларида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўтказилган текширув давомида "DIZAYN MEBEL BIZNES" МЧЖ омиборида ҳеч қандай кириш ҳужжатлари, республика худудига қонуний олиб кирилганини тасдиқловчи БЮД, мувофиқлик сертификати ва юк хатлари бўлмаган 177 турдаги 274.368,4 минг сўмлик товар-муддий бойликлар сақланаётгани аниқланган. Шунингдек, МЧЖ раҳбари А.Мирходжаев жавобгарлигидаги бўлган, реализация қилинмаган 401 турдаги 955.291,6 минг сўм товар-моддий бойликлар мавжуд

Фуркат ИСМОИЛОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар
бошқармаси тафтичиси

эмажлиги аниқланган. Бу эса амалдаги қонун ҳужжатлари талаби мунтазам бузиб келинаётганини кўрсатади.

Бундан ташқари, МЧЖ раҳбари А.Мирходжаев томонидан юқоридаги товар-моддий бойликлар улгуржи тарзда ҳаридорларга нақд пулга сотилиб, савдодан тушган пуллар бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирилмаган, банкка инкассация қилинмаган. 2010 йил учун солиқ қонунчилигидаги ҳисоботларда бу пуллар кўрсатилмаганлиги, ягона солиқ ҳисобланганлиги натижасида бюджетга 47.764,6 минг сўм миқдорда зарар етказилган. Текширувда, шунингдек, 2010 йил учун жисмоний шахсларнинг даромадидан олинган солиқ 206,8 минг сўмга қўшимча ҳисобланган.

Суд қарори билан "DIZAYN MEBEL BIZNES" МЧЖ нисбатан 1.229.660 минг сўм миқдорда молиявий жарима қўлланилган. Нихоят, А.Мирходжаев ноконуний даромад буюрмаслигини тушуниб етган бўлса, ажаб эмас.

Болагимизда ўғай оналар ҳақида кўп эртақлар эшитганмиз. Ўғай онадан жабр чеккан Зумрага барча болаларнинг раҳми келади. Афсуски, ёвуз ўғай оналар фақат эртақларда бўлмайдилар. Уналарнинг бизнинг замонамизда ҳам борлиги кишини ўйга толдиради. "Ҳеч кимнинг бошига етимлик тушмасин, ҳеч ким онасидан айрилмасин", дейишди кўпни кўрган инсонлар. Биз сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган фожиа Хоразм вилоятининг Богот туманида бўлиб ўтган.

Ўғай она

Арслон АБДУРАҲМОНОВ,
Хоразм вилоят прокурори ёрдамчиси
Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ,
«Ниҳод»

Содоқат, Сабоҳат, Зухра. Бу учта гул қиз Доноҳоннинг кўз қорачиқлари эди. Аёл қизларини еру кўкка олишмасди, меҳрини дариг тутмасди. Аммо бевақт ўлим аёлнинг ҳаётига чанг солди. У вафот этганда қизалоқларнинг каттаси эндигина 4, кичкинаси 1 ёшда эди. Тақдир бу мурғак жонлар бошига етимлик синовини солди. Санъат уч йилга қизалоқларига ҳам ота, ҳам оналик қилди. Қариндошлари "Қизларингга она керак", дея қайта-қайта ўқираверишгач, уйланишга қарор қилди. 2011 йил февраль ойида Соҳиба исми аёлга уйланди.

Соҳибани иккинчи марта турмушга беришгандан оиласидегилар қизларга меҳрибон бўлишни тайинлашди. "Албатта, ўзим ҳам онаман-ку", дея уларни тинчлантирди Соҳиба.

Санъатнинг хонадонига кириб келган эса, ваздасини буткул унутди. Ўрта маълумотга ҳам эга бўлмаган, ҳеч қаерда ишламаган аёл яхшилик ва ёмонликнинг, гуноҳ ва савобнинг фарқига қаерданам борсин, ахир.

Бу пайтда қизларнинг каттаси етти ёшга етганди. Иккинчиси беш, учинчиси тўрт ёшда эди. Соҳиба қизларни кичкина деб яаб ўтирмади. Уй сулуришдан тортиб, идиш-товуқларни ювишгача, мол-ҳолга қарашгача уларнинг зиммасига юклади. Ҳали гўдак бўлган қизалоқлар бу юмушларни қаерданам эплашсин. Топшириқларни чала бажарган қизларнинг ҳолига вой. Ўғай она уларни сугурги билан сийларди.

Тиркичилик ташвишида уззу кун ҳақда бўлган Санъатнинг ҳеч нарсадан хабари йўқ эди. Ўғай она унинг ёнида қизларига яхши муомала қилиб тургандан кейин ундан шубҳаланиб бўлармиди. Қизалоқлар эса кичкина, Соҳиба уларни "урганимни бировга айтсангизлар, ўлдирмаман" деб кўрkitиб қўйган. Қўни-қўшилар қизалоқларни гоҳ у ери, гоҳ бу ери кўқарган ҳолатда кўра бошлашди. Соҳибага қизларни урмагин деб, танбех берганлар балога қолишди.

Бу орада Санъат пул топиб келиш баҳонасида Россияга ишга кетди. Қизалоқларнинг аҳоли баттар ёмонлашди. Қўни-қўшилар орасида Соҳибанинг енгилтаклиги, уйига кечалари эркаклар келиб туриши, бундай пайтда қизалоқларни молхонага қамаб қўйиши ҳақида гал тарқалди. Битта ўзи қизларга қарашни истаман Соҳиба онасиникига кетиб қолди. Бир ойлардан сўнг яна қайтиб келди.

Санъат Россиядан қайтганда, қариндошлари унга вазиятни тушунтиришга ҳаракат қилишди.

— Бўхтон, мен қизларнингизни бошимда қўйдим, вақтида едирдим, ичирдим, энди тухматга қолдимми, — макрини ишга солди Соҳиба.

Санъат қизларидан сўраганда, улар ҳам Соҳибанинг гапини тасдиқлашди. Санъат Соҳибага ишонди. Аммо орадан кўп ўтмай адашгани маълум бўлди.

2011 йилнинг 25 октябрида ўртанча қизи Сабоҳатни боғчага элиб келган Санъат кичкинаси Зухранинг беҳуш ётганига гувоҳ бўлди. Унинг ёнида турмуш ўртоғи Соҳиба ва қўшниси Моҳира-лар бор эди. Тез орада тиббий ёрдам машинаси келиб, қизалоқни шифохонага олиб боришди. Шифокорлар Зухранинг ҳушдан кетганига калтак бабда бўлганини айтишганида, Санъат дахшатга тушди.

Кўрсатилган ёрдамга қарамадан 4 яшар қизалоқ дунёдан кўз юмди. Бу орада шифокорлар катта қизи Содоқатни ҳам кўздан кечиришди. Унинг ҳам баданида калтак излари бор эди. Қизалоқ 24 октябрь куни ўғай онаси таёқ ва сугурги билан урганлигини, ҳар доим уришини, бир неча марта молхонага боғлаб қўйганини кўрқа-писа гапириб берди.

"Содоқат кизимиз Райхон билан дарс тайёрлаш учун уйимизга келиб турарди. Бир гал унинг қўллари ва оёқлари кўкариб, ишиб турганини кўриб, нима гапчилиги сўраганимда онаси Соҳиба сингиллари билан бир қатор қилиб қўйиб уришини айтди. Соҳибага қизларни урмаслик кераклиги ҳақида гапиргандим, Содоқатни бизникига юбормай қўйди. Бир сафар Содоқат пишириб ейиш учун тухум сўради. Унга 4 та тухум бериб юбордим. Кейинги кун тухумларни едингми деб сўраганимда, йўқ, Соҳиба онам бизга бермай, ўзи еди, деб айтди. Мен унга энди тухум егинг келса, бизникига келавер, ўзим пишириб бераман, дедим. Бироқ Содоқат, "Йўқ, онам сизникида овқатланганимни билиб қолса, мени уради", — деди. Соҳиба 2011 йил сентябрь ойининг охиридан бошлаб қизларни умуман кўчага чиқармай қўйди", дея судда гувоҳлик берган қўшниси Х.Бектурдиева. Кўрсатмаларда ҳатто ўғай она қизларга "ҳожатга чиқасизлар" деган баҳона билан жуда ҳам овқат едирганини ҳам битилган.

Ўғай онанинг кирдиқорлари тўғайли мурғаккина қизалоқларнинг танасида ва қалбида қатори жароҳатлар қолди. Икки қизнинг танасидаги жароҳат-ку битар, онам қалбларидаги кетармикин? Соҳиба Худойберганова суд ҳукми билан тегишли жазосини олди. У виждон азобидан, таъна-дашномалардан қутула олармикин? Калтабини, жоҳилиги тўғайли гўдак қизалоқнинг қотили айланган бу аёлни эл-юрт кечирармикин?

Бу жиноят тафсилотларини қозоғга тушириш қийин бўлди. Бироқ элдошларимизни оғоҳликка даъват этиш, меҳр-оқибатга чорлаш нияти бизни қозғ қоралашга мажбур қилди. Хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола.

«Ҳожатбарор»



Аёл деганда кўз олдимида меҳрибон, мунис оналаримиз, ўз ҳаёси ва ибоси билан бошқа миллат вакилларида ажралиб турадиган гўзал опа-сингилларимиз гавдаланади. Бугун қайси соҳага назар ташламайлик, шундай нозик ҳиққат вакиллари-нинг жамият тараққийига ҳисса қўйиш ҳамма ҳалоқ пул топиш мақсадида эркаклардан қолишмай фаолият олиб бораётганликларига гувоҳ бўламиз. Шундай бўлса-да, аёл деган номга доғ тушираётган, содда, ифратли қизларни алдаб, ўзга юртларга сотиш билан пул ишлаётган, бир сўз билан айтганда, одам савоиси билан шуғулланувчи аёллар ҳам учраб турибди.

Ташкент халқаро аэропорти орқали Шаржа шаҳрига учиб келган Маликани ўзини Гули деб та-ништирган Одина, унинг ўғли Ахат ва яна бир аёл қутиб оли-шиб, уни Дубай шаҳрининг Карам аҳоли пунктига олиб боришди. Энагалик қилиб пул ишлаш ниятида Дубай шаҳри-га келган Малика бундан кейин-дан ўзи хизмат кўрсатиши керак бўлган хонадонни кўрди-ю, юраги орқага тортиб кетди.

— Бу ерга энагалик қилиш-га келган эдим-ку, — дея уни олиб келганларга ҳам эътироз, ҳам савол билан тикилди.

— Бу ерга энагалик иши йўқ. Энди фоҳишалик билан шуғулланасан, орқага йўл йўқ. Биз сени олиб келгунча анча-мунча пул ишлатди. Сен шу пулларни чиқариб беришинг керак!

Малика рози бўлмай, қар-шилик кўрсатган эди, шу ерда-ги бир аёл унинг бошига 3-4 маротаба тегиб, тинчитди. Шундай қилиб, тақдирга тан берган Малика эртаси кундан бошлаб улар талаб қилган иш билан шуғуллана бошлади.



Нуробалик Сайдулло Бегимқулов истеъмол қилиб юрадиган "опий" гиёҳхандлик молла-сини машинасининг ҳужжатларига қўшиб, ИИБ ҳолимларига узатиб юборди. Бу қандай бўлди дейсизми?

Сайдулло ҳеч қаерда ишламайди. Ўзига тегишли "ГАЗ-53" русумли машина-сида тирикчилик қилади. Ҳар қалай, уларнинг бирида томорқасига пиёз экмоч-ки бўлди-да, бозордан пиёз уругини сотиб олиб, томорқасига сепди. Униб чиққан пиёз-лар ичиди кўқарган саккиз түп ўзига хос ҳидли ўсимликини кўрган Сайдулло унинг нима экан-ига қизиқиб қолди. Ахир "кўқнори" экани-ни билгач, алоҳида парвариш қила бошлади. Орадан маълум вақт ўтиб, ўсимлик пишиб етил-ди. Буни қутиб турган Сайдулло эҳтиётлик билан ширасини олгач, целлофан пакетга солиб, сақлаб қўйди.

Қишнинг совуқ кунларининг бирида шамол-

ниқоби остида

Сирожиiddин ЭШҚУВВАТОВ,
Бош прокуратура бўлим бошлиғи
Ҳолида ШОДИЕВА,
журналист

каби нусхалар улар учун им-коният қалитидек кўринади-лар, гўё.

Жиноий даромад орттириш мақсадида юшган гуруҳнинг бевосита раҳбари бўлиб, БАА-даги Мухаммад исми ва бош-қа шахслар билан бирга одам савдоси билан шуғулланиб келган Одина Бердибоева ЖКнинг 135-моддаси 3-қисми "г" банди билан айбдор деб топилиб, унга 9 йил озодлик-дан маҳрум қилиш жазоси та-йинланди. Жиноий гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам қилмиш-ларига яраша жазо олдилар.

Аммо бизни барибир бир савол қийнаверади: Малика-га ўхшаган қизлар қандай қилиб манфур кимсалар тузо-ғига тушиб қолмоқда? Уларни ноқонуний йўллар билан чет элларга чиқиб кетишга нима мажбур қилмоқда? Юртимизда ҳам ҳалол меҳнат қилиб, пул топиш мумкинлигини бир ўйлаб кўрсалар бўлмасмикан? Ахир айтишди-ку, ўзга юртда шох бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл, деб. Шундай экан, нахот-ки алданаётганларнинг ота-оналари, қавму қариндошлари, қолаверса, маҳалла-кўй бунга ҳеч қандай муносабат билдир-масда? Агар улар бундай лоқайд бўлмасалар, соддалик қилиб "ўлжа"га айланган опа-син-гилларимизни бу каби нопок йўллардан асраб қолган, ҳеч бўлмаганда, уларни паст ни-ятли манфур кимсалардан узоқроқ бўлишига эришган бўлардик.

Шўнақаси ҳам бўларкан...

Улғубек ҲАМРОКУЛОВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

лаб қолди-ю, яшириб қўйган пакетни очиб, бир марта татиб кўрди. Нимасидир маъқул бўлди чоғи, ҳар замонда бу гиёҳханд моддадан оз-оздан истеъмол қилиб турадиган бўлди.

Кунларнинг бирида машинасида Жума шаҳ-рига қараб йўлга чиқди. Қайфияти чоғ ҳайдов-чини "Темирхўжа" кишлоғи худудида ИПХ хо-димлари тўхташтирди.

— Марҳамат қилиб, ҳайдовчилик гувоҳнома-си ва автомашинанинг ҳужжатларини кўрсат-сангиз, — деди инспектор ўзини таништириб.

— Мана ҳужжатлар, — Сайдулло ўзини хо-тиржам тутганча, сўралган нарсаларни узатди.

— Бу нима? — ҳужжатларни қўлига олган хо-дим, уларнинг орасидан чиққан целлофан па-кетга ўралган тўқ сижар рангли моддага ишо-ра қилди.

Шошиб қолган ҳайдовчи секингина: — Қорадори, — деди-ю, ерга қаради.

Ашёвий далил гувоҳлар иштирокида олиниб, текшириб кўрилганда ҳақиқатан 1,37 грамм миқ-доридидаги "опий" гиёҳхандлик моддаси экан-лиги маълум бўлди.

Иш судда кўриб чиқилиб, Сайдулло Бегим-қуловга ҳар ойлик иш ҳақининг 30 фоизини дав-лат даромадига ундирган ҳолда меҳнатга жалб қилиниб, 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланди.

«Жиноятимга иқрорман»

«Кенжабаев Бахтиёр Есенгаиевич Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «в, л» бандаларида назарда тутилган жиноятни содир қилганинда айбон деб топилсин ва унга нисбатан 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин...»

Музаффар МАМАТУРОВА,
Қизилқум туман прокурори ўринбосари
Маъмура ДУСИЯРОВА,
«Huquq»

56 ёшга кириб, ҳаётининг даярли 15 йилини дарбадар ўтказган, на фарзандлари ва на ўзининг кексалик ҳаёти ҳақида ўйламаган Бахтиёр Кенжабаевнинг ҳаётида бугун иккинчи бор ҳукм ўқилди...

1995 йилда биз учун номаълум бўлган сабабларга кўра, собиқ турмуш ўртоғи билан ажрашган Б.Кенжабаевнинг турмуш тарзи бузилди. Эндиликда у кўча-кўйда тентирайдиган, толган пулига вино олиб ичадиган бўлди. Энг ёмони, уч нафар фарзанди учун ҳам, ўзи учун ҳам бошлана бўлган ватани — уйини сотиб юборди. Ҳақиқий маънода кўча одамига айланган Б.у га кимса бўлмади. Ушундан кўра, унинг ҳаётидаги ўзгаришларга қўл уюштирган баъзи инсонлар билан яшай бошлади. Кўр-кўрнинг қоронғуда топибди, деганларидек, Зайнаб исми билан аёл билан танишганидан буён қорғоз ва бўшаган бакалжалларнинг териб, қабул пунктига топшириш унинг ҳаёт тарзига айланди.

Икки «ҳамкор» «ишлаб топган» пулларига яшай юришарди. Уларнинг «ҳамкасб»лари В.Кондратьев ҳам шундай юмуш ортидан пул топиб, кун кечирарди. Аммо В.Кондратьевнинг Зайнабга қилган «дил изхори» Бахтиёрнинг рашиқига сабаб бўлди. Оқибатда эса...

...2011 йилнинг 26 август

ухлаб қолибман...

Бу сўзлар Бахтиёр Кенжабаевнинг суддаги иқрори эди. Нафақат суддаги, балки уч нафар беғуноҳ фарзандини тирик етим, оиласини барбод қилгани ва кўча-кўйда бўлса, кун кечириётган бир инсоннинг ҳаётига қасддан қилган тажовузига иқрорлик эди... Нима бўлганда ҳам энди Бахтиёр Кенжабаев умрининг қолган 16 йилини панжара ортида ўтказиши керак. Мана шу 16 йил унинг нуронийлик даврини, табарруқ 70 ёшини оиласи, фарзандлари ва неваралари қуршонида қаршилаш имконини беради. Бироқ, афсуски, Бахтиёр Кенжабаев бундай улуг имкониётни ўз нодонлиқ билан бой берди.



Пуч ваъдалар ортидан

Бахром НУРМАТОВ,
Сирғали туман прокурори ўринбосари

Кингир йўл билан бойлик орттириш истаги одамзодни ҳамиша ҳалокат ва тубанлик гирдобига етаклаган. Гиёҳвандлик моддалари, ноқонуний қурол-яроғ савдоси, ўзгалар мулкни талон-торож қилиш, ўғирлик, фирибгарлик, фоҳишабозлик каби жиноятлар замирида, шубҳасиз, енгил ва осон даромад топиш мақсади ётади. Бугунги кунга келиб, ана шундай оғир жиноятлар рўйхатидан одам савдоси деярли аталмиш ўта мудҳиш жиноят ҳам ўрин эгаллади. Одам савдоси инсон, унинг дхалсиз ҳуқуқлари, қадр-қиммати, осойишта ҳаёти ва келажакига жиддий пугур етказувчи, на сарҳад, на миллат танламайдиган иллат бўлиб, ўз домига кўпроқ аёллар ҳамда болаларни тортиши билан жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда. Жиноят асосан, инсонларни оғир шароитларда меҳнат қилишга мажбурлаш, куллик, мажбурий донорлик, фоҳишалик ва бошқа мақсадларда фойдаланишдек жирканч кўринишлари билан намоеён бўлмоқда. Бу ҳол ўз наватига, одам савдосидек уюшган трансмиллий жиноятга қарши нафақат бир давлат, балки жаҳон мамлакатлари ўзаро ҳамкорликда курашиши лозимлигини тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда уюшган жиноятчилик, айниқса, одам савдоси ва унинг жирканч оқибатларини бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилган бўлса-да, бироқ айрим қимсалар бундай жиноятга қўл уришдан ҳамон тап тортишмапти.

Масалан, Қарамақ Ниматова пенсия ёшига яқинлашиб қолган бўлишига қарамай, Бирлаш-

ган Араб Амирликларида яшовчи қизи Наргиза Шералиева билан тил бириктириб, ушбу жиноят тури билан шугулланиб келган. Жумладан, кўча-да тасодиқлар ёзёвонлик Матлуба Эргашева (исм-фамилиялар ўзгаририлган) билан танишиб қолган Қарамақ суҳбат давомида унинг оилавий туроити оғирлигидан хабар топиб, уни аврашга тушарди.

«Дубайда куёвимнинг шахсий ресторани бор, қизим сизга иш топиб беради. Официантлик қилиб, яхшигина пул ишлаб оласиз», — дея пуч ваъдалар билан М.Эргашеванинг ишончига қилиб, 2008 йилнинг апрелида Андижон орқали Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрига, у ердан эса Дубайга жўнатилади. Қарамақнинг қизи Назира унга меҳмонхонадан иш топиб беради-ю, аммо бир ой ўтган. «Бу ерга келишинг учун 15 минг доллар сарфлаганман. Шуни менга қайтаришинг керак», — деган важ билан фоҳишалик қилишга мажбур қилади. Матлуба қаршилиқ куратганда, хонадон бекасининг жияни И.Абдурахмонов «ердам»га келиб, уни уриб-дўппослайди...

2011 йилнинг февраль ойига қадар ўзга юрtdа фоҳишалик қилган Наргиза, ниҳоят Тошкентга учиб келади ва чегара ходимлари томонидан тўхтатилади. Тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилган, унинг кўрсатмалари асосида одам савдоси билан шугулланаётган К.Ниматовнинг қилмишлари ошқор бўлади. Маълум бўлишича, у илгари ҳам бундай жирканч жиноятга қўл урган ва жазосини олган экан.

Жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг ҳукми билан Қарамақ Ниматовага 8 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Хулоса ўрнида шунга айтиш мумкинки, одам савдосига қарши курашишда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки фуқароларнинг ўзлари ҳам фаол иштирок этмоқликлари лозим. ОАВ орқали бундай жиноятларнинг мудҳиш оқибатлари ҳақида ҳар қанча гапирилса-да, одамларнинг ўзлари ҳушёр бўлмас эканлар, қўтилган натижаларга эришиб бўлмайди.



Бир ота-онанинг туғилган ака-укалар бир-бирларини «жигарим» дейишади. Бир-бирларига ҳатто қаттиқроқ танбеҳни ҳам раво кўришмайми. Албатта, агар уларнинг қалбида меҳр-оқибат деган гўзал туйғулар шакланган бўлса. Акс ҳолда...

Оқибатсиз ака-укалар

Лапас УМАРОВ,
Новоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Фахрутдин Ҳамраев ўзи яшайдиган Кармана тумани «Ҳўжа Хисрав» маҳалласи ҳудудида маст ҳолатда урган эди. Бундан хабар топган кучаси Шўҳрат ва акаси Акбар уни уйига олиб келиб қўйишди. Аммо у яна уйдан чиқиб, спиртли ичимлик ичсини давом эттирарверди. Шу аҳволда кеч тушганда уйга қайтиб, укаси Шўҳрат билан жанжаллашди. Укасидаги инсофга қайтиб, укаси Шўҳрат билан инсофга келиб келиб қолар, деган андишаси боришди-ю...

Аммо у инсофга келмади. 2011 йилнинг 25 октябрида ўзи ва укаси Шўҳрат яшаб келаятган уйдаги шкаф билан сервантни таниши А.Бўроновага 120 минг сўмга сотиб юборди. Пулига спиртли ичимлик сотиб олиб, акалари Иззат ва Акбарлар билан «майдалаб» ўтирганда Шўҳрат қилиб келди. У акаси Фахрутдиндан мебелларни нега сотганлигини сўради-ю, балога қолди. Бу сафар Фахрутдин бўш арок шишаси билан укасининг бошига уриб, унга жароҳат етказди.

Афсуски, Фахрутдин Ҳамраев шундан сўнг ҳам инсофга келмади.

Кармана туман тиббиёт бirlашмасида даволаниб келган Шўҳрат эртаси кун аламлидан ичиб, маст бўлиб ўтирганда Фахрутдин яна жанжал бошлади. Аммо бу сафар Шўҳрат ҳам қараб турмади. Бир марта елкасини синдирган, кейин

эса бошини уриб, ёрган акасини аяб ўтирмади. Унга яхшигина «сабоқ бериб қўйиб», ташқарига чиқиб кетади.

Укасидан қалтак еган Фахрутдин ошхонадаги ош пичоғини олиб, ўч олиш мақсадида Шўҳратнинг орқасидан бориб, кўксига санчади. Оқибатда ўз укасининг қотилига айланади.

Суд томонидан судланувчи Ф.Ҳамраев ЖКнинг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди ва унга нисбатан узил-қесил 15 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Албатта, жиноятга жазо муқаррарлиги аниқ. Аммо масаланинг маънавий жиҳати кишини ўйлантириб қўяди.

Бир ҳовлида қатта бўлиб, ҳозир ҳам бирга яшайётган ака-укалар ўртасидаги меҳр-оқибатнинг йўқлиги, ҳатто ака укасининг қотилига айланиши тубанликдан бошқа нарса эмас. Шу ўрнида бошқа ака-укаларнинг (Иззат ва Акбар Ҳамраевлар) ўз жигарлари Фахрутдин ва Шўҳратнинг жанжалларига томошабин бўлиб юришлари (ахир бу каби жанжаллар бир марта бўлган эмас, улар ўртасида анчадан буён давом этган) бу хонадонда маънавий тарбиянинг нақадар суст бўлганлигидан далolat беради. Маънавий тарбия суст бўлган жойда эса, ҳақолат пайдо бўлиб, меҳр-оқибат унутилар экан.

Оғуфургуш аёллар

Шавкатбек ИСОМИДИНОВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Андижонлик Анорхон Дехқонова, унинг Кўрғонтепа туманида яшовчи набираси Манзура Дехқонова ҳамда наманганлик Шакархон Юсуповларни қандай куч бир жойга бирлаштирди экан? Албатта, осон йўл билан пул топиб, теъда бойиб кетиши. Ана шу мақсадга иш бошлашга келишиб олишгач, иш боши Шакархон гап бошлади: «Бу иш бир-бир хавфлироқ. Лекин, эҳтиёт бўлсангиз, кўз очиб-юмгунингизча қўйни-қўнжингиз пулга тўлади. Мен сизларга керакли «дори»ни топиб берман. Уни эсон-омон манзилга элтсангиз, бас».

Шундай қилиб, 2010 йилнинг 19 июлида Анорхон Дехқонова набираси Манзура билан «ов»га отланди. Фарғона шаҳрининг шоббекатида уларни қўтиб турган Шакархон билан учрашишгач, унга келишилган 1 млн. сўмни бериб, полиэтилен халтага ўралган, қадокланган героинни «харид» қилишди-да, йўловчи машинада Андижонга қайтишди. Бувининг ҳам, неваранинг ҳам оғзи қулоғида эди. Ҳа, Худо берман деса ҳеч гап эмас экан.

Лекин уларнинг қувончи узокқа чўзилмади. Андижон вилоят ИИБ ЙХБга қарашли 31-сонли ЙХБ масқанида ўтказилаётган текширишни кўриб, типирчилаб қолдишди. Ўзларини ҳар ёққа уришмасин, буви билан набиранинг ички кийимлари остида яшириб қўйган гиёҳвандлик моддаси топилиб, баённома тузилди...

Воқеани шу ерда тўхтатиб, ҳар учала аёлнинг таржimai холи билан танишсак: Анорхон Дехқонова 1942 йилда Кўрғонтепа туманида туғилган. Андижон шаҳридаги Тожик кўчасида яшади, оилали, бир нафар фарзанди бор, ҳозир нафақада. Унинг набираси Манзура 1979 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Беш нафар фарзанди бор. Шакархон Юсупова эса 1991 йилда Наманганда туғилган, бир нафар фарзанднинг онаси. Фарғона вилоятининг Бағдод туманидаги Дўрмонча маҳалласида истиқомат қилади.

Тўғри, улар судда ўз айбларига тўла иқдор бўлиб, қилмишларидан пушаймон эканликларини айтишди.

Аммо, агар улар олиб келган 360,91 гр. героин сотилганидами, қанчадан-қанча фожиаларга сабаб бўларди. Не-не беғуноҳ норасидалар майиб, мажрўх бўлиб қолишлари мумкин эди.

Қиссадан ҳисса шуки, биз ҳушёрликни бир лаҳза бўлса ҳам бўшаштирмайлигимиз керак. Ана шунда ёшларимизни, ҳамюртларимизни ажал домидан асраган бўлаеми.

